

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ
ИНГЛИЗ ТИЛИ ФАКУЛЬТЕТИ

Инглиз тили грамматикаси ва тарихи кафедраси

Абдувоҳидова Зарифа Абдуманноновна
(4 ўзбек 07)

Инглиз ва ўзбек тилларида қўлланилиши чегараланган лексик
қатлам хақида

51220100 - Филология ва тилларни ўқитиш (инглиз тили) таълим
йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

“ХИМОЯГА ТАФСИА ЭТИЛАДИ”

Инглиз тили грамматикаси ва тарихи
кафедраси мудири: Исматова М.Ш

ИЛМИЙ РАХБАР:

Наримова Г. А

“ _____ ” _____ 2016йил

Самарқанд-2016

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
Биринчи боб. Инглиз ва ўзбек тилларида қўлланиши чегараланган фаол ва нофаол лексик луғат таркибига оид сўзларнинг услубий хусусиятлари.....	6
1.1 Фаол ва нофаол лексик қатлам.....	6
1.2 Қўлланиш доираси чегараланган лексиканинг услубий хусусиятлари....	14
Иккинчи боб. Ўзбек тилида инглизча сўзларнинг маъно тараққиёти.....	24
2.1 Инглизча сўзларнинг семантик тузилишидаги ўзгаришлар хусусида.....	24
2.2 Сўзларда лексик-семантик муносабатлар.....	31
Учинчи боб. Қўлланилиши чегараланган ибора ва мақолларнинг услубий лексик хусусиятлари.....	42
3.1 Эмоционал-экспрессив лексиканинг услубий хусусиятлари.....	42
3.2 Эмоционал-бўёқдор сўзларнинг услубий лексик қўлланилиши.....	49
ҲУЛОСА.....	54
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	59

КИРИШ

Фан ҳамиша ривожланиш ва тараққиётда. Бугунги кунда у мисли кўрилмаган даражада жадал тус олди. Бунга бир томондан, дунё миқёсидаги глобаллашув фанлараро интегратсиянинг кучайиши, инноватсион технологлар амалий.қийматининг ўсиши таъсир қилаётган бўлса, иккинчи томондан, миллий манфаатларнинг кучайиши, геополитик сиёсат қамровининг кенгая бориши каби қатор омиллар жиддий сабаб бўлмоқда. Ўзликни англашда тилнинг роли муҳимдир. Президентимиз И.А.Каримов бу ҳақда тўхтала туриб, «...аждодлардан ўтиб келаётган она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини ошириш устида доимий ишлашимиз зарур [26,31].

Айниқса, фундаментал фанлар, замонавий коммуникатсия ва ахборот технологиялари, банк-молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш, бир сўз билан айтганда, ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш миллий ўзликни, Ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз», дея таъкидлаган эдилар.

Мавзунинг долзарблиги тадқиқотнинг долзарблиги шундан иборатки, қордош бўлмаган тиллар, жумладан инглиз ва ўзбек тилларини, бир-бирига таққослашдан, солиштиришдан иборат бўлиб, ҳозирги замон тилшунослигида бу жуда муҳим ўрин эгаллайди. Бунган ташқари мавзунинг долзарблиги, инглиз ва ўзбек тилларида қўлланилиши чегараланган лексик қатламларни маъноларини мисоллар ёрдамида ёритиб бермоқчиман.

Битирув малакавий ишининг мақсади ушбу малакавий ишида айрим қўлланилиши чегараланган сўзларни тадқиқот объекти сифатида ўрганиш, ва уларни ўзига хос хусусиятларини, мисоллар ёрдамида ёритиб бериш, мақсад қилиб қўйилди.

Тадқиқотнинг вазифаси тадқиқот олдига қўйган масалаларни амалга ошириш учун қуйдаги вазифаларни кўриб чиқишга эътибор қаратайлик.

- Фаол ва нофаол лексик қатлам.

- Қулланилиш доираси чегараланган лексиканинг услубий хусусиятлари.
- Инглизча сўзларнинг семантис тузилишидаги ўзгаришлар хусусида
- Қулланилиши чегараланган ибора ва мақолларнинг услубий лексик хусусияти.
- Эмоционал-экспрессив лексиканинг услубий хусусиятлари ва уларни мисоллар ёрдамида тушинтириб бериш.

Мавзунинг ўрганиш даражаси лексика муттасил ўсиш ва ревожланишда бўлиб, унда доим янги сўзлар пайдо бўлади, тилдаги мавжуд сўзларнинг баъзилари аста-секин эскириб боради. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки умумхалқ тили луғат бойлигини икки катта гуруҳга ажратиш мумкин: фаол сўзлар ва нофаол сўзлар.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети инглиз ва ўзбек тилларида қулланилиши чегараланган лексик қатламларни тадқиқ қилиш, битирув малакавий ишининг олдига қўйган энг катта масалаларидан бири эканлигини, шунингдек тадқиқотнинг предмети эса гапларда иштирок этиб келаётган, қулланилиши чегараланган фаол ва нофаол сўзларнинг қўлланилишини ўз ичига олади. Ушбу мавзу юзасидан тадқиқот объекти сифатида тилшуносликнинг синтаксис бўлимига оид тадқиқотларни ўрганиб чиқиш, уларни бир-бирига таққослаш масаласи олинди. Шунингдек, турли жанрдаги бадиий адабиётлардан содда гапларга мисоллар топиш, уларни қиёслаш ва хулосалар чиқариш ҳам тадқиқот объектига киради.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги бу мавзу ҳақида кўплаб олимлар томонидан, илмий изланишлар олиб борилган ва ўрганилган. Мен бу битирув малакавий ишимда қулланилиши чегараланган лексик қатламларнинг маъноларини ёритиб беришни, ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим. Ҳамда бу тадқиқотнинг илмий янгилиги сифатида, битирув малакавий ишимда содда ва осон мисоллар ёрдамида тушунтириб бердим.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти тадқиқотнинг илмий ва назарий аҳамияти инглиз ва ўзбек тилларида қулланилиши чегараланган лексика табиатини очиш асосида намоён бўлади. Хусусан битирув малакавий

ишимда, фаол ва нофаол сўзларнинг қулланилиши чегараланган хусусиятларининг ревожланишидаги, сестима кўрсаткичлари тавсифланади. Инглиз ва ўзбек тилларида қулланилиши чегараланган лексик қатламларнинг хусусиятларини ёритиб беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти, ўқитиш жараёнини такомиллаштириш, тил ўрганиш ва ўргатиш услубини ҳамда, тил системасини тушунтиришни осонлаштириш, шунингдек бадийий ҳамда текис таржималари учун, замин яратишдан иборат.

Битирув малакавий ишини тузилиши битирув малакавий ишига қўйилган вазифа кетма-кетлик асосида, кириш, уч асосий боб, умумий хулоса, шунингдек фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Биринчи боб.

Инглиз ва ўзбек тилларида қўлланилиши чегараланган фаол ва нофаол луғат таркибига оид сўзларнинг услубий хусусиятлари.

1.1 Фаол ва нофаол лексик қатлам ҳақида.

Лексика муттасил ўсиш ва ривожланишда бўлиб, унда доим янги сўзлар пайдо бўлади, тилдаги мавжуд сўзларнинг баъзилари аста-секин эскириб боради. Эскилик оттенкасига эга бўлган сўзлар тилда бирмунча вақтга қадар ишлатилади. Шунга кўра умумхалқ тили луғат бойлигини икки катта гуруҳга ажратиш мумкин: фаол сўзлар ва нофаол сўзлар. Фаол сўзлар гуруҳига маъноси шу тилда гаплашуви барча кишиларга тушунарли ва кундалик турмушда қўлланиши одат бўлиб қолган сўзлар киради.

Бу гуруҳдаги сўзлар эскилик бўёғига эга бўлмайди. Нофаол сўзлар гуруҳига эскилик бўёғи аниқ билиниб турадиган ва кўпчиликка маълум бўлмаган сўзлар киради. Бундай сўзлар кундалик алоқада камроқ ишлатилади. Нофаол сўзлар икки гуруҳга бўлинади: эскириб қолган сўзлар архаизмлар, историзмлар ва янги сўзлар неологизмлар [32,35].

Архаизм ва историзмларнинг услубий вазифаси. Тилнинг ҳозирги даври учун эскилик бўёғига эга бўлган сўзлар архаизм ёки архаик сўзлар деб юритилади. Сўз маъносининг эскириши ва турли сабаларга кўра унинг ўрнини бошқа сўз олиши натижасида архаизм пайдо бўлади.

Масалан: авахта (қамоқхона), мусофирхона (меҳмонхона) кабилар ўзбек тилида бугунги кун нуқтаи назаридан эскирган сўзлар бўлиб, уларнинг ўрнини янги сўзлар эгаллаган.

Архаиклашиш ҳодисасининг кўринишлари:

а) сўз бутун ҳолда, яхлитлигича архаиклашади.

Бу лексик архаизм дейилади: гардун (осмон), давот (сиёҳдон)

б) сўзнинг маъноларидан бири архаиклашади.

Бу семантик архаизм дейилади. Масалан: нишон сўзининг «орден» маъноси архаиклашган, у белги, аломат, из, асар маъноларида кенг қўлланилади нишон қўймоқ, нишонга олмоқ, ундан ҳеч нишон қолмади.

Архаик-грекча арчаиос «қадимги» демакдир сўзининг «қўлга туширилган нарса, ўлжа» маънолари архаиклашган, у «қулай, тузук, яхши» каби маъноларида фаол ишлатилган ғанимат вақт.

Яна даҳа сўзининг «шаҳарларнинг бир қисми, тумани» маъноси даҳа бошлиғи архаиклашган, бу сўз «ипак қурти ёши» маъносида касб-хунар лексикасида қўлланилади қуртлар сўнгги даҳага кирди.

Архаик сўзлардан тарихий воқеа, ҳодисаларни реал тасвирлашда услубий восита сифатида фойдаланилади. Архаизмлар бадий асарларда, фелетонларда, баъзи ижтимоий-сиёсий услубда ёзилган танқидий мақолаларда нутққа киноя, пичинг, мазах масҳара руҳи оттенкасини бериш учун ҳам ишлатилади. Ҳозирги ҳаётда учрамайдиган, фақат тарихий нарса ёки воқеа-ҳодисаларнинг номини билдирувчи сўзлар историзмлар дейилади.

Масалан: омоч, баковул, ясовул, қози, қозихона, бек, васиқа, гумашта, мешкоп, жиғадор каби. Историзмлар ўзи англатган нарса ва ҳодисаларнинг ягона атамаси. Шунинг учун ҳозирги тилда ўрнини боса оловчи синонимлари бўлмайди. Масалан: Ҳамзанинг «Битсин энди эски турмуш, ул кулоқ у жандалар» мисрасидаги кулоқ, жанда сўзлари каби. Историзмлар шу хусусияти билан архаизмлардан кескин фарқланади эскирган сўзлар ибораси буларнинг иккаласи учун умумий номдир. Историзмлар, асосан, ўтмиш воқелигини аташда ишлатилади. Лекин рафиқаси йўқ одам ўзига хон, ўзига бек каби халқ иборалари таркибидаги тарихий сўзлар васиқа, хон, бек ўтмишдаги нарса ва ҳодисаларнинг номлари бўлиб, уларнинг маънолари иборадан англашиладиган мажозий маънога сингиб кетган. Бундай ўринларда баъзан умум учун ёт бўлган тарихий сўзларни умумистеъмолдаги сўзларга ўхшатиб олиш ҳодисаси «халқ этимологияси» ҳодисаси ҳам учрайди.

Масалан: сан солор, ман солор, отга бедани ким солар ибораси халқ этимологиясига учраб, сан солор, ман солор, отга беданани ким солор.

Бу эрда солор тарихий сўзи умум нутқдаги солор солмоқ феълига ўхшатиб, тенглаштириб қўйилган. Тилда сан соларлик сўзининг шаклланиши ҳам юқоридаги ибора таъсирида воқе бўлган: сан солор сансоларлик.

Историзмлардан тарихчилар, олим ва ёзувчилар тарихий воқеа ва ҳодисаларнинг реал тасвирини бериш, бадиий асарга тарихий руҳ бахш этиш учун фойдаланадилар. Масалан: Қорани оқлаш ҳеч бир подшонинг ёсасига сиғмайди гапида ёса тарихий сўз бўлиб, «қонун, тартиб» маъноларини билдиради. Бозорни айланиб юрадиган пояки воқеадан бошдан-оёқ хабардор экан. Илгариги вақтда бозор ва расталарда чилим чектириб юрувчи кишини пояки, дер эдилар. Неологизмларнинг услубий вазифаси. Адабий тил доимо янги сўзлар неологизмлар билан бойиб боради. Неологизмлар ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатда бўладиган ўзгаришлар, фан-техника янгиликлари, санъат, адабиёт ва публицистикадаги янгича тушунчалар умуман, жамиятнинг, ҳаётнинг талаб эҳтиёжи билан пайдо бўлган сўзлардир: чанглагич, пуркагич, изчил, зиёкор, бизнес, тадбиркор, ишбилармон, фермер, аксия ва бошқалар [36,39].

Неологизмларнинг пайдо бўлиш йўллари хилма-хил:

- Тилнинг мавжуд лексик таркиби ва грамматик қонун-қоидалари баъзасида янги сўз яшаш йўли билан. Бунда сўз . неологизм бўлади.

- Тилдаги мавжуд сўзларнинг лексик маъноларидан бирини янги маънода қўллаш йўли билан. Масалан: чўмич сўзининг «ковш» маъноси каби:

- Экскаваторнинг чўмичи шу уюмлардан оша янги тупроқларни ирғитди.

- Бошқа тилдан асосан, рус тилидан сўз қабул қилиш йўли билан.

Бошқа тилдан сўз икки хил усул билан олинади:

а) айнан қабул қилинади: б) космонавт, самолёт.

Солор тарихий сўз бўлиб, бошлиқ, раҳбар маъносини билдиради. Масалан: сипоҳ-солор лашкар бошлиғи. Нутқда неологизмнинг услубий вазифаси жуда ранг-барангдир. Илмий-техник, расмий адабиётлардаги умум тилга хос неологизмлар асосан номинатив функцияни бажаради, бадиий адабиётда эса муайян услубий мақсадда қўлланилади.

Бу биринчи навбатда, катта таъсир ва тасвир кучига эга бўлган индивидуал нутқ неологизмларига таалуклидир. Бунга ёзувчилар ижод қилган янги сўзлар мисол бўлади.

Ғафур Ғулом сўз ижодчилигида сўзларни қўшиш юли билан яратган меҳнатобод, урушталаб, инсонзод, хушахлоқ каби неологизмлар ўзининг ифодавийлиги билан ажралиб туради. Шоир яна дош қўшимчаси ёрдамида элдош, эрдош, курашдош, қаламдош каби сўзларни ижод қилади. Ёзувчилар яратган индивидуал нутқ неологизмлари баъзан сатирик тасвир воситаси бўлиб хизмат қилади.

Масалан, қуйидаги мисолларда расмий-идоравий нутққа оид шаблон сўзлар: очердчилик, ошхурчилик матнга киритган. Рўйхатдаги мана шу камчиликлар тузатилса, бу нарсa ҳозирги очердчилигимизда ижобий рол ўйнаши, харидорларимиз орасида тарбиявий иш олиб боришда алоҳида аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлса керак, деб ўйлашимиз. Кейинги пайтларда ошхурчилигимизда яна битта ёмон хусусият сезилмоқда. Баъзан адабий тил руҳига ёт бўлган, ўринсиз ясалган неологизмлар ҳам учраб туради: Терилган пахтани ташиб туриш учун кўтарувчи ажратилди. Неологизмларнинг тилдаги барча типларини баҳолаш ва ишлатишда мумтоз ёзувчиларимиз қолдирган бой меросни қунт билан ўрганиш зарур.

Бошқа тиллардан келган сўзлар ва уларни ишлатишдаги услубий имкониятлар. Тилнинг бошқа тиллардан олинган сўзлар ҳисобига бойиши жуда қадимий ҳодисадир. Бунинг сабаби халқлар ўртасида қадимдан ижтимоий-сиёсий муносабат, маданий алоқа ва ҳамкорликнинг мавжудлигидир. Одатда, бошқа тилдан ўтган сўзларнинг баъзилари сўз олувчи тилнинг ички тараққиёти қонунига, унинг айрим грамматик қоидалари ва талаффуз меъёрларига бўйсунди, мослашади, баъзилари асл ҳолатларини сақлаб қолса, баъзилари жиддий ўзгаришга учрайди.

Масалан: тожикча панжишанба, руйбаруй сўзлари пайшанба, рўпара шаклида, арабча ҳилат сўзи ҳалат тарзида қўлланади.

Ўзбек тилидаги арабча сўзлар маъно жиҳатидан кўпроқ мавҳумликка эга: хол, ҳақиқат, ҳурмат, имконият, адабий, фаҳрий, маънавий эҳтиёж, истиқбол, даража, аҳамият, масъулият, шараф, ирода, таълим каби. Ўзбек тилининг тарихий тараққиётида рус тили ва рус тили орқали бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар асосий ўринни эгаллайди. Ҳозирги ўзбек тилида рус тилидан ўзлашган сўзлар ўзбек адабий тилида жуда кенг ишлатилади. Масалан: стол, самовар, ручка, вилка, гудок, духовка, печка, суд.

Булардан ташқари ўзбек тилига рус тили орқали европа халқлари тилларидан ҳам жуда кўп сўзлар ўзлаштирилди. Бундай байналминал сўзларга грекча ва лотинча логика, грамматика, биология, декан, конус, драма, июл, август, хор, теннис, релс, волейбол, футбол; немисча галстук, бухгалтер, фартук, стул каби сўзлар мисол бўлади. Бошқа тиллардан ўзлаштирилган, халқ оммаси ўртасида кенг истеъмолда бўлган бундай сўзлар ўзбек тили луғатидан мустаҳкам ўрин олган.

Бошқа тиллардан сўз ўзлаштиришнинг усул ва юллари, уларнинг тилларга кириб қолиш сабаблари ва сингиш даражалари каби масалалар лекикологияда ўрганилади. Лексик стилистика эса ўзи мансуб бўлган тилга хос белгисини сақлаб қолган сўзларнинг ишлатилиш шарт-шароитлари ва услубий вазифаларини текширади.

Ҳозир бошқа тил сўзлари кўпинча босма манбаларни таржима қилиш ҳамда кундалик матбуот орқали ўзлашаётгани сабабли улар бутунлай китобийлик рангига эгадир.

Бундан умум ишлатиладиган сўзларга айланиб кетган газета, журнал, кино, билет, касса, трактор, газ каби сўзлар мустасно, чунки бу сўзларнинг лексик маъноси барчага тушунарлидир. Маълумки, она тилидаги сўзнинг маъноси унинг морфологик таркибидан аниқ англаниб туради. Шунинг учун она тилидаги сўзлар, гарчи баъзан улар умум истеъмолдаги сўзлар бўлмаса ҳам, шу тил эгаларига тушунарли бўлади.

Бундай сўзларнинг ўзак ва аффикслари шу тилдаги бошқа сўзларда ҳам учрайди. Масалан, пахтачилик, усткурма, шартнома, кўзгу.

Олинмаларнинг маъноси ва морфологик таркиби она тилидаги сўзлар сингари аниқ англашилиб турмайди. Уларнинг маъносини морфемалари таркибидан англаб олиш ҳам мураккаб. Шунинг учун ўзлашган сўзларнинг ўзига ўхшаш бошқа бир хил сўзлар билан ўзакдош сўз эканини англаб ололмаймиз. Чунончи, ўзбек тилига рус тили орқали ўзлашган франсузча хона ва купон қимматбаҳо қоғозларнинг фоизини тўлашда кесиб олинадиган қисми, талони сўзлари аслида «қирқилган, кесилган» маъносида бир ўзакка мансуб эканини изоҳлашни ҳатто ҳаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Кўринадики, олинмаларнинг ички алоқаларини сезиш имконияти бирмунча чекланган бўлади. Ўзлашган сўзнинг кўпинча китобийлик бўёғига эга бўлиши ва лексик маъносини морфемалари таркибидан келтириб чиқариш мумкин бўлмаслиги каби ҳатолар унинг она тилидаги сўздан фарқланувчи белгиси саналади.

Чет тили элементлари ва ўзлаштира сўзлар, айниқса, бадий адабиётда услубий мақсадда жуда кенг қўлланилади. Бадий нутқда чет тили лексикасидан кўпинча ёзувчилар образ ва персонажлар нутқини индивидуаллаштиришда фойдаланадилар. Ўқувчи лорд, сер, лейборист сўзларини учратиш билан гап Англия ҳақида бораётганини англайди:

- Йўқ, Йўқ, жаноби олийлар, лордлар, маршал, черчиллар,
Дўқингиз қилолмас ижодимизни барбод.

Қисқагина, суҳбатдан Лорд шуни билдики, бу камгап, кўзлари заиф одамни ўз йўлига киритиш осон эмас экан. Ҳозирги ўзбек тилида ўзлашма қатламга оид сўзлар миқдори кун сайин ортиб бормоқда. Ўзбек тили луғатида иқтисодий-сиёсий ва мадний ҳаётимизга оид, фан ва техникага доир бўлган мураккаб тушунча ва тасаввурларни ифода этувчи бундай қатлам ўз мавқеини янада кучайтирмоқда. Қўлланиш доираси чегараланган лексиканинг услубий хусусиятлари диалектизмлар.

Ўзбек тилининг диалектал қатлами ниҳоятда мураккаб ва ранг-баранг бўлиб, у ўз ичига бир қанча шева ва диалектларни қамраб олади. Бу шева ва диалектларнинг ҳар бири ўзига хос фонетик, лексик-грамматик хусусиятлари билан адабий тилдан, ўзаро фарқланади.

Диалектизмларнинг адабий тилдан фарқи, аввало, сўзнинг талаффузида кўринади. Масалан: гургурт-гургурт, бала-бола, юзум-узум, йиғнамоқ-йиғмоқ, каби экзотика юнонча «ехотисос» ажнабий демакдир. Бундан ташқари, адабий тилга нисбатан диалектизмларнинг луғат таркиби бирмунча ўзгачароқдир. Чунончи, маҳаллий диалектизмлар луғатида фан, санъат ва мураккаб техникага оид махсус атамалар кам, деярли йўқ бўлади, диалектлардаги баъзи сўзлар эса адабий тилда бутунлай бўлмаслиги мумкин. Бундай сўзлар шу диалект вакиллари нутқида ишлатилади. Масалан, варрай Тошкент диалектида, бодпарк Бухоро диалектида, шоҳин Самарқанд диалектида, бодрак Хоразм диалектида каби. Атамалар, одатда, барча шева вакиллари учун умумий бўлади ва касб эгаси томонидан қайси ҳудудда яшашидан қатъий назар, ҳамма жойда бир хилда қўлланади ва ёзилади.

Атамаларнинг адабий тилга кириб келишида вақтли матбуот ва адабиётнинг роли жуда катта. Кўпгина атамаларларнинг оммалашувида жойлардаги газета ва журналлар билан бир қаторда А.Қаҳҳорнинг «Қўшчинор чироқлари», «Синчалак» каби асарлари муҳим рол ўйнади.

Матнда тушунилмайдиган илмий-техник терминларнинг ҳаддан ташқари кўп ўйиб юборилиши вақтли матбуот материалининг ёрқин ва мазмундор, тилининг тўла тушунарли ва оммабоп бўлишига путур йетказди.

Адабий тилнинг оммага осон тушунарли бўлиши ва тозалиги учун курашган ёзувчилардан бири «техника терминларини истеъмол қилиш ярамайди» деб алоҳида таъкидлаган эди. Айрим ихтисосга оид терминларга изоҳ бермай ўтиш хато, бу мутахассисликка доир илмий-техник адабиётларда ҳам хато ҳисобланади айниқса, оммабоп адабиётларда ва публицистикада.

Улар ўзига хос, шартли сўзлардир жаргонлар кўпинча тилдаги сўзларнинг товуш томонини ўзгартириш, бузиб қўллаш, бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш ва тилдаги мавжуд сўзларга махсус маъно бериш йўли билан ҳосил қилинади. Жаргонларнинг бирор киши ёки табақа доирасида пайдо бўлишига қараб иккига ажратиш мумкин: профессионал жаргонлар ва

ижтимоий жаргонлар. Профессионал жаргонларга бирор касб-хунар кишилари орасида ишлатиладиган махсус сўз ва иборалар киради.

Бу хил жаргонларнинг пайдо бўлиши, одатда, ишлаб чиқариш ихтисоси, меҳнатнинг умумий шароити ва баъзан турмуш-маданият тарзлари билан ҳам боғлиқ бўлади. Профессионал жаргонлар ижтимоий жаргонлардан манфий номақул маъно ифода қилиши ва баъзан вулгар характерга эга бўлиши билан фарқланади. Масалан: аравасозлар нутқидаги сўлоғини ўйнатмоқ, чувини чиқармоқ отга ишқибозлар нутқидаги думини қўқонча қилиб тугмоқ, думини тугмоқ кафтарбоз ва беданавозлар нутқидаги думини сетара қилмоқ, катик парига тегмоқ, катик парини олмоқ туя карвони ҳайдовчилар нутқидаги чанғароғини туширмоқ иборалари келиб чиқиши жихатидан жаргонга бориб тақалади.

Жаргонлар ва арголар тилни булғайди. Тилнинг софлиги ва тозалиги, аниқлиги ва равшанлиги учун кураш жаргонларга қарши курашни ҳам тақазо қилади. Лекин бадиий адабиётда услубий мақсадда жаргонлардан қисман фойдаланилади. Жаргонлар маълум ижтимоий табақа ёки гуруҳлар ўртасида тарқалганлигидан улар шу тоифа кишилари нутқини бериш воситаси сифатида ишлатилади. Бадиий адабиётда жаргонларнинг услубий мақсадда ишлатилиши ҳақида гап борар экан, адабиёт халқни бадиий жихатдан тарбиялаш қуроли эканини унутмаслик керак. Бадиий асар тили реалистик тасвир қонунларига бўйсундирилган, яъни индивидуаллаштирилган, типиклаштирилган бўлади.

Бадиий асарда тасвирланаётган ва ўзига хос ҳулқ-атворга эга бўлган шахс-ижобий ёки салбий қаҳрамоннинг характери ва ҳатто воқеалар ривожига у қадар муҳим рол ўйнамайдиган персонажнинг феъли, табиати ҳам уларнинг ўз нутқлари орқали берилади. Ёзувчи типик ҳолатларни саралаб олиши ва тасодифий ҳолатлардан ҳоли бўлишга алоҳида аҳамият бериши лозим. Бадиий индивидуаллаштириш қаҳрамон ёки персонаж нутқида умумлашмаган, тасодифий ҳолатларга, айти ўринда жаргон сўзларнинг ишлатилишига танқидий муносабатда бўлишни талаб қилади.

1.2. Қўлланилиш доираси чегараланган лексиканинг услубий хусусиятлари.

Инглиз ва ўзбек тилида қўлланилиши чегараланган лексик сўзларнинг фаол ва нофаол луғат таркибини ташкил қилувчи сўзларнинг услубий қўлланилишини, уларнинг ўзига хос хусусиятларини янада чуқурроқ ўрганиш, мазкур услубларнинг қўлланилиш даражаси ва маъно кирраларини таҳлил қилиш бугунги кун тилшунослиги олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Алоҳида таъкидлаш керакки, шу кунгача фаол ва нофаол луғат таркибига кирувчи лексик қатламлар, жумладан, шевага хос сўзлар, атамалар, янги пайдо бўлган сўзлар, эскирган қатлам, хусусан, ибора ва мақолларнинг услубий хусусиятлари ҳозирги ўзбек адабий тили тақозо қилаётган системда ўрганилмаган. Айниқса, ибора ва мақолларнинг турли хил нутқ услубларда қўлланилишидаги ўзига хосликларни ўрганиш бугунги кун талабидир.

Ана шу заруратдан келиб чиққан ҳолда тадқиқотимизни ўзбек тилида фаол ва нофаол сўзларнинг услубий хусусиятларини тадқиқ қилишга бағишладик. Маълумки, ўзбек тилшунослиги кейинги йилларда қатор ютуқларга эришди. Мазкур ютуқлардан энг муҳими ўзбек систем тилшунослигининг шаклланиши ва жадал суръатда равнақ топаётганлигидир.

Анъанавий тилшуносликдан фарқли ўлароқ, систем тилшуносликда тил бирликлари ва нутқ бирликлари ўзаро фарқланади. Ушбу тадқиқотларда таъкидланишича, бадий асарда қандай тил бирликларини қўллаш эмас, бу бирликларни нима мақсадда қўллаш ва ундан қандай нутқ бирликлари ҳосил қилиш масаласи муҳимроқдир. Бундай хусусиятлар муаллифнинг бадий нутқ маҳоратини белгилашда мезон бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунгача ўзбек тилшунослигида фаол луғат таркиби кенг ўрганилган. Бирок тадқиқотларнинг аксариятида, жумладан, Б.Умуров, Р.Қўнғуров, Е.Бегматов, Ё.Тожиев, Б.Йўлдошев ва бошқа тадқиқот объектимизга дахлдор илмий тадқиқотларда масала анъанавий тилшунослик аспектида амалга оширилган.

Бизнинг тадқиқотда эса муаммо тизим сифатида ўрганиш асосига қурилган. Олдимизга қўйган ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган:

- нофаол луғат таркибининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;
- мазкур қатламга кирувчи лексик бирликларнинг ишлатилиш мезонларини таҳлил қилиш;
- ибора ва мақолларнинг нутқ услубларида қўлланилиш шакллари ва ўзига хос маъно қирраларини ўрганиш;
- сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турларини ҳосил қилувчи тил бирликларининг услубий хусусиятларини аниқлаш.

Санаб ўтилган вазифаларни амалга ошириш ва кўзланган мақсадга эришиш учун тегишли назарий маълумотлар танқидий нуқтаи назардан ўрганиб чиқилди ҳамда публитсистик ва бадий асарлардан мисоллар тўпланди. Йиғилган материаллар илмий асосда изчиллик билан ёритиб берилди. Нутқнинг аниқ ва равшан бўлиши, аввало, сўздан тўғри фойдаланишга боғлиқ. Сўзни ўз ўрнида тўғри ишлата билаш учун унинг лексик маъносини англаш зарур. Сўзнинг лексик маъносини тушунмаслик уни хато қўллашга олиб келади. Масалан: Ўн кун деганда ер хайдаш ва ариқ чопиш тугалланди. Бу гапда чопиш сўзи хато қўлланган. Одатда, ариқ чопилмайди, қазилади. Секин-аста деб, хотиржам юраверсангиз, ғалвир сувдан кўтарилганда, бригада аъзолари юзингизга қоракуя чаплайди. Бу мисолда чапламоқ феълининг лексик маъносидан тўғри фойдаланилмаган. Одатда, қоракуя суртилади, лой чапланади. Буюқ сўз санъаткорлари сўз хусусида шундай дейишган «Сўз барча фактлар, барча фикрлар либосидир» ёки «Агарда бирор нарсани аниқ ифодалай олмас эканмиз, бунда тилимиздан эмас, балки уқувсиз маҳоратимиздангина қилишимиз керак» ва ҳоказо.

Сўз санъаткорлари тилга алоҳида эътибор бериб келдилар, услуб ва ифоданинг содда бўлишини, нутқда фикрий мужмалликка йўл қўймасликни тарғиб этдилар. Улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий тилга эътибор элга эътибор, деб тилнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

Бобур эса ўғли Хумоюнга ёзган мактубларидан бирида унинг ўғлининг фикрнинг равонлиги ва аниқлигига риоя қилмаганлигидан ташвишланиб, «хатингни ташвиш билан ўқиса бўлади... Мундин бери бетакаллуф ва равшан ва пок билан бит, ҳам сенга ташвиш озроқ бўлур, деган эди.

Ҳар бир киши она тилини мукаммал эгаллаш, унинг назарий ва амалий асосларидан хабардор бўлиши керак. Чунончи, гап таркибидаги сўзнинг семантикаси маъно томони, қўшимча эмотсионал - экспрессив оттенкаси ва услубий белгилари, фикрнинг сўз воситаси билан мантикий жиҳатдан тўғри ифода қилиш усуллари ва шунга ўхшаш масалаларни пухта билиши зарур.

«Она тилини ўрганиш, дейди буюк сўз санъаткорларидан бири, ниҳоятда улуғ бир иш. Инсон тафаккурининг эришган энг юксак ютуқлари, энг чуқур билимлари ва ғоят оташин ҳислар, агар улар сўз воситаси билан аниқ ва равшан ифода қилинмаса, одамлар учун номаълумлигича қолаверади. Тил фикрни ифодалаш қуролидир. Бинобарин, агар фикр нутқ воситаси билан баён қилинган бўлса, агар у тил воситаси билан руёбга чиққан бўлса, агар у, файласуфлар тили билан айтганда, бошқаларга бевосита бориб аниқлаштирилсагина фикр бўла олади». Омонимлар ҳар бир тилнинг луғат таркибида товуш таркиби ва ёзилиши жиҳатдан бир хил, аммо маъноси ҳар хил бўлган сўзлар муайян миқдорда топилади. Бундай сўзлар омонимлар гуруҳини ташкил қилади. Фонетик товуш томондан бир хил шакли ўзаро маълум бир кўринишга келиб қолган икки ва ундан ортиқ сўзлар омонимлардир. Омонимлар маъно жиҳатдан ўзаро муносабатда бўлмайди, бошқа-бошқа тушунчаларни англатади. Масалан: от -иш ҳайвони, исм, буйруқ феъли.

Кўп маъноли сўзларнинг шакли асли битта бўлиб, маънолари ўзаро бир-бирига жуда яқин ва алоқадор, бири-иккинчисига боғлиқ бўлади. Масалан, бош сўзи: ишнинг боши, гапнинг боши, эрнинг боши. Ўзбек тилида омонимлар турли кўринишларга эга. Чанг тўзон-чанг мусиқа асбоби, ёқмоқ чиройли, ёқмоқ унинг нутқи менга жуда ёқди, «хуш келмоқ, маъқул бўлмоқ» каби барча грамматик шакллари тенг, бир сўз туркумига кирувчи сўзлар

омонимлар дейилади. Омонимларнинг иккинчи типии омоформалар. Баъзи грамматик шакллардагина тенг келувчи, бир хил талаффуз қилинадиган ва бир хил ёзиладиган сўзлар омоформалар дейилади.

Омонимларни фарқламаслик кўпинча оғзаки нутқда сўзларни нотўғри қўллашга олиб келади. Омоформа-грекча ҳомос—бир хил ва лотинча форма-шакл. Омонимларнинг тўртинчи типи омографлар бўлиб, улар ёзилиши бир хил, лекин айтилиши ўқилиши ҳар хил бўлган сўзлардир. Масалан, ток узум — ток электр қуввати, тур хил, нав — тур давра, шахмат ўйинларининг иккинчи тури бошланди.

Тилдаги ҳар бир сўзнинг лексик маъноси бошқа сўзлар билан муносабатга киришганда реаллашади. Омонимларнинг матндан ташқари ёлғиз ўзини ишлатиш деярли учрамайди. Шундай экан, матн омоним сўзлар маъноси туфайли содир бўлувчи қийинчиликни бартараф қилади. Нутқда икки хил англаш ҳолатига йўл қўювчи омонимия ҳодисаси, ўз навбатида, тушунча доирасини кенгайтиради. Чунончи, ёзув ва талаффузда бир ўринда сўзни, иккинчи ўринда сўз бирикмасини ўхшаш-тенг келтириш ҳодисаси ҳам омоним сўзлар доирасини кенгайтиради. Мисоллар:

Инсон бўлиб қидирмадим энгил турмуш ва танга,

Куч-қувватим ҳам ҳаётим - бор имконим Ватанга.

Ватан десам умрим узок, ҳаёт порлоқ кўринур,

Чунки Ватан севгисидан куч-қувват жон ва танга.

Ёки:

Дейдиларки, кунгабоқар,

Умр бўйи кунга боқар.

Ёки:

Мудир дўконида қирқ «иш»ни ўйлар,

Савдода бой - элндан қирқишни ўйлар.

Қирғинлик қилмагин - деган кишининг,

Дарҳол қадамин қирқишни ўйлар.

Нутқда омофонларни бундай ишлатиш орқали сўз ўйинлари ҳосил қилинади. Бунда товуш томондан ўхшаш, лекин маъноси турлича бўлган элементларнинг, омоним сўзми ёки сўз бирикмаси эканидан қатъий назар, матндаги ҳар галги такрори жуда муҳимдир. Омоним сўзларнинг бу типидан, айниқса аскияда сўз ўйини ва адабиётда махсус поетик жанр туюқ тузишда кенг фойдаланилади. Мисоллар:

Қўлингдан келганча чиқар яхши от,

Яхшилик қил болам, ёмонликни от.

Насихатим ёд қилиб ол, фарзандим,

Ёлғиз юрса чанг чиқармас яхши от.

Бунда от сўзи биринчи сатрда ном, шуҳрат, иккинчи сатрда тарк этмоқ, ташламоқ, учинчи сатрда иш ҳайвони - от маъноларида ишлатилган.

Оламни шунда нигорим ол деди,

Олма бирла бу кўнгилни ол деди.

Сўрдим эрса олмасининг рангини,

Не сўрарсан, олма рангин ол деди.

Бу туюқда ол сўзи уч маънода ишлатилган:

- буйруқ феъли

- кўнгил овламоқ

- қизил ранг.

Омонимлар ва паронимлар баъзи жиҳатлар билан бир-бирига яқин. Паронимлар товуш жиҳатдан бутунлай тенг бўлмасада, лекин айтилишида бирмунча ўхшаш бўлган сўзлардир. Масалан: аср – асир, шох – шоҳ ва бошқалар. Паронимларни хато қўллаш, одатда кам таниш бўлган сўзларда учрайди. Нотаниш сўзларнинг талай қисмини атамалар ташкил қилади. Масалан: чаноқлардаги лўппи очилган пахталар қуёшда ярқираб кумушдек товланади. Вокзал майдонидаги автомашиналарда неча юзлаб ёшлар келиб тўпландилар. Уларнинг қўлларидаги шиорлар ва транспортлар бахтли ёшлиқдан дарак бериб турибди. Бу мисолларда диван ўринида девон,

товланди ўрнида тобланди, транспарат ўрнида транспорт сўзи нотўғри ишлатилган.

Синонимлар маънолари бир хил ёки ўзаро яқин, талаффуз ва ёзилиши ҳар хил бўлган сўзлар синоним ҳисобланади. Масалан: чиройли, гўзал, кўркем, кўҳлик, хушрўй, сулув, зебо каби.

Синонимлар маъно ва қўлланилиш доираларига кўра уч хил: идеографик, стил, ва услубий синонимлар. Идеографик синонимлар ўзаро лексик маъно оттенкалари билан фарқланса, стил синонимлари қўллаш доирасига нутқнинг турли стилига мансублигига, услубий синонимлар эса экспрессив бўёғига синонимик қаторда асосий, нейтрал сўзга нисбатан экспрессив оттенкага кўра фарқланади. Синонимларни дифференциялаш пайтида, аввало, уларнинг экспрессив-стилистик оттенкалари, муҳим фарқлари кўринади.

Масалан: юз, бет, афт, башара, турқ, чехра, жамол, дийдор, ораз, узор, рухсор синонимик қаторда юз умум ишлатадиган сўздир. Қолганлари эса турли маъно оттенкаларига эга: бет, афт сўзлари салбий оттенкага эга; башарада салбий оттенка юқоридагиларга нисбатан янада кучли: турқ сўзида эса салбий оттенка башара сўзидагига нисбатан ҳам кучли; чехра ижобий оттенкага эга; жамол сўзида ижобий оттенка янада кучли бўлиб, бу сўз асосан, поетик услубга хос, дийдор, кўришмоқ, дийдорига тўймоқ каби бир-икки сўз билан қўлланиладиган ҳолатлар ҳам кузатилади; ораз, узор, рухсор эса эскирган сўзлар бўлиб, улар китобий усулбга хос. Ўзаро умумий маъноси билан бирлашиб, стилистик оттенкаси бўёғи ва нутқда ишлатилиш доираси жиҳатидан фарқланадиган синонимлар услубий синонимлар дейилади.

Лексик маъноси жиҳатидан фарқланадиган синонимлар идеографик маъно синонимлардир. Масалан, касал умум ишлатадиган сўз, бемор ёзувда кўп қўлланади, хаста эскирган сўз, аммо баъзан-баъзан, ора-сира касал бўлиб туриш маъносини билдирувчи бетоб, нотоб сўзлари юқоридагиларга нисбатан услубий ва идеографик синонимдир. Идеографик синонимлар ўзаро лексик маъно даражасига кўра фарқланади. Ёмғирда плашим нам бўлди,

ёмғирда плашим хўл бўлди боғланишларнинг кейингисида белги даражаси кучлироқ. Нутқда фикр оттенкаси ёки эмотсиясига, лексик, грамматик ёки услубий характерига мос синоним сўзлардан фақат биттаси танлаб олинади ва ишлатилади. Шу сабабдан синонимик қатордаги сўзлар ўртасидаги баъзи фарқларни ўрганиш услубиятнинг вазифаси ҳисобланади.

Муаян синонимик қаторни ташкил этувчи сўзлар конкрет ҳолларда маъно томонидан бир-биридан ажралади, услубий қўлланишига кўра фарқланади. Бир синонимик қаторни ташкил этувчи сўзлар маъно жиҳатидан яқин бўлса ҳам, баъзан улардан бирини иккинчисининг ўрнида ишлатиб бўлмайди.

Масалан: аянч аҳвол, оғир аҳвол, қийин аҳвол, мушкул аҳвол бирикмаларида аянч, оғир, қийин, мушкул сўзлари бир-бирига синоним бўлиб, айтиш ўрнида уларни алмаштириш маънога ҳалал бермайди. Идеографик “грекча идеа тушунча, тасаввур”, график.ифодалашда бу синоним сўзларни лексик маъно нуқтаи назаридан баҳолаш лозим бўлади. Масалан: оғир чамадон, дейиш мумкин бўлган ҳолда, мушкул чамадон, қийин чамадон дейиш қўлгилidir.

Синонимлар нутқда ишлатилиш доираси жиҳатидан ҳам ўзаро фарқланади. Масалан, лаб барча нутқ услубларида ишлатиладиган умумнутқ сўзи, дудоқ бадий нутқ сўзи, шамол умумнутқ сўзи, сабо-бадий нутқ сўзи, эсламоқ умумнутқ сўзи, хотирламоқ расмий нутқ сўзи, йўқламоқ сўзлашув нутқи сўзи. Бу хил синонимлар стил услуб синонимлари дейилади. Шунингдек, ишлатилиш доираси чегараланган ё чегараланмаган бўлиши мумкин.

Масалан: кекса, қари, оқсоқол, нуроний, мўйсафид каби бир синонимик қаторни ташкил этувчи сўзлар орасида қари сўзининг ишлатилиш доираси кенг. Бу сўз инсондан ташқари, ҳайвонлар учун ҳам қўлланилади: қари от, қари тулки каби. Лекин оқсоқол, нуроний, мўйсафид синоним сўзларнинг ишлатилиш доираси чегараланган. Бундай ҳолатлар – ишлатилиш доирасининг кенг-торлиги синонимлар маъно ҳажмига, яъни уларнинг кенг

ёки тор маъно ифодалашига боғлиқ. Тил фактлари синоним сўзлар билан эфемизмлар орасида маълум даражада муносабат борлигини кўрсатади. Маъноси қўпол ёки айтилиши ноқулай сўзларни шундай таассурот туғдирмайдиган сўз ёки ибора билан алмаштириш воситаларидан бири эфемизмлардир. Масалан: кар ва қулоғи оғир, ўғри ва қўли эгри, иккиқат ва оғир оёқ каби. Ўзбек тили нутқида нозик маъно оттенкаларини ҳамда ранг-баранг услубий бўёқларни бера оладиган, синонимларга бой сўзлар мавжуд. Машхур ўзбек шоир ва ёзувчилари, сўз усталари синонимлардан моҳирлик билан фойдаланиб келганлири. Масалан, Алишер Навоий ўзининг «Маҳокаматул-луғатайн» асарида биргина йиғламоқ сўзига мазмунан яқин бўлган бир қанча синонимни келтиради: йиғламсирамоқ, инграмоқ, синграмоқ, ўкирмоқ, қичқирмоқ, ҳой-ҳойлаб йиғламоқ.

Алишер Навоий бу синонимлар бир-биридан нозик, маъно оттенкалари ва услубий қўлланиш ўринларига кўра фарқланишини мисоллар билан кўрсатади. Кўздан ёш чиқармасдан йиғлаш йиғламсирамоқнинг маъносини Навоий қуйидаги байтда очиб беради:

Зоҳид ишқин десаки, қилғай фош,
Йиғламсин кўзига келмас ёш.

Сўнгра Навоий инграмоқ ва синграмоқ сўзларига изох берар экан, «дард била яшурун оҳиста йиғламоқдур ва ораларида тафовут оз топилур», дейди ва қуйидаги байтни келтиради:

Истасам давр аҳлидин ишқингни пинҳон айламоқ,
Кечалар гоҳ инграмоқдир одатим, гоҳ синграмоқ.

Синонимик қаторни ташкил қилувчи қолган сўзларни ҳам шу тариқа байтларда маъносини очиб беради ва фарқларини кўрсатади. Кўринадики, синонимлар бир хил маъноси билан бирлашувчи синоним сўзлар қаторини ташкил қилса, фикр ва ҳис-туйғуларни аниқроқ, равшанроқ ифодалашга имкон берадиган услубий маъноларига кўра ўзаро фарқланади. Нутқнинг аниқ ва равшан бўлиши синонимлардан тўғри фойдаланишга боғлиқ. Баъзи синоним сўзларнинг маъносини фарқлаш бирмунча мураккаб бўлди. Ҳатто,

адабий нутқни яхши биладиган, синонимларни тўғри танлаб, уларни мақсадга мувофиқ ишлата оловчи кишилар ҳам кўпинча синонимик сўзлар оттенкаларидаги тафовутларни тушунтиришда ожизлик қилишлари мумкин. Масалан: бир синонимик қаторда ифлос, искирт, ирkit, ислиқи, икна сўзларининг маъно нозикликларини осонгина изоҳлаб бериш қийин. Синоним сўзларнинг маъно қирраларини тўғри англаш ва ўз ўрнида қўллаш уларнинг қандай сўзлар билан бирикиб кела олиши имкониятларини ҳам ҳисобга олишни талаб этади. Масалан, қасамёд, қасам, онт; қасамёд қилмоқ, қасам ичмоқ, онт ичмоқ. Қасам қилмоқ, онт қилмоқ деб бўлмаганидек, қасамёд ичмоқ ҳам дейилмайди.

Ҳар бир синоним сўзнинг антонимини топиш ҳам синоним сўзларнинг маъно фарқини очишга ёрдам беради. Масалан: энгил-оғир, вазмин-зил, ўнғай-қийин, секин-тез, суст-жадал каби. Синоним сўзлар ўртасидаги семантик-услубий жиҳатларни ҳисобга олмаслик натижасида сўз танлаш ва қўллаш билан боғлиқ нуқсонларга йўл қўйилиши мумкин. Масалан, қуйидаги жумлаларда йиқилмоқ ва қуламоқ, ташна ва чанқоқ, озғин ва ориқ сўзлари ўртасида маъно оттенкаларини, уларнинг қўлланиш доираларини ҳисобга олмаслик натижасида услубий ҳатога йўл қўйилган:

1.Булдозер кўчамизда йиқилган ва йиқилай деб турган деворларни бир чеккага суриб, йўл очар эди. Йиқилмоқ сўзи, асосан, одам ва жонли нарсаларга нисбатан қўлланилади. Шунинг учун бу гапда йиқилмоқ ўрнига унинг синоними ва асосан, жонсиз нарсаларга нисбатан қўлланувчи қуламоқ сўзини ишлатиш керак эди.

2.Чўпонлар озғин қўйларнинг парваришига алоҳида эътибор бермаётирлар, гапида одамга нисбатан қўлланилган озғин сўзи ўрнига унинг синоними ориқ ишлатилганда матн мазмунига мос бўлар эди.

3.Бригада аъзоларидан Р.Аввалов ва М.Қобиловлар тунда ташна ғўзаларни сувга қондириб суғоришяпти, гапидаги ташна сўзи одамга нисбатан қўлланилади, одамга ва бошқа жонли, жонсиз нарсаларнинг ҳолатига нисбатан чанқоқ сўзи ишлатилади.Бир фикр баёнида синонимик

катордаги сўзлардан бир йўла иккисини ёки ундан ортиғини ишлатиш синонимларнинг услубий фигура сифатида хизмат қилиши билан боғлиқ. Синонимлар услубий фигура сифатида қуйидаги мақсадларда ишлатилади: Маънони кучайтириш, умумлаштириш, жамлаш мақсадида синонимик жуфт сўзлар ишлатилади: бахт-саодат, кадр-қиммат, ҳурмат-еҳтиром. Бундай вақтда иккинчи синоним биринчисининг айнан такрори бўлмай, балки у ифодалаётган тушунчани қўшимча белгиси билан тўлдириб туради:

Куёв тикилганда бахтиёр, мафтун,
Гунча лабларингга чиқар ним кулгу.
Сен ваъда этдинг бахту саодат,
Унда акс этади мисоли кўзгу.
Зулфия.

Фикрнинг нутқдаги ўхшаш ёки яқин тафсилотларини хилма-хил шаклларда ифодалаш учун икки ёки ундан ортиқ синонимлар ишлатилади.

Бундай вақтда синонимлар турли кўринишларда, чунончи, ўзак синонимлар шаклида катта, улуг, буюк, зўр, азим, улкан, қўшма, ясама сўзлар шаклидаги довюрак, кўркмас синонимлар, паралелл ишлатиладиган тема ва мавзу, протсесс ва жараён, эквивалент синонимлар, бирикма синонимлар фарқ қилмоқ, тафовут қилмоқ ва ниҳоят, эфимистик сўз ёки сўзлар бирикмаси орқали ифодаланадиган оғир оёқ, иккиқат, ҳомиладор, юкли синонимлар шаклида бўлади. Синонимлар нутқни таъсирчан баён қилишда ҳамда услубнинг рангдор бўлишини таъминлашда катта аҳамиятга эга.

Иккинчи боб.

Ўзбек тилида инглизча сўзларнинг маъно тараққиёти

2.1 Инглизча сўзларнинг семантик тузилишидаги ўзгаришлар хусусида

Маълумки, ҳар бир тил ўз луғат бойлигига эга бўлар экан, ўзининг ички қонуниятлари асосида тадрижий равишда ривожланиб боради. Шунингдек, жамиятда бўладиган ўзгаришларга мос равишда, ўз тилига эга бўлган халқ тил бирликларининг ўзга халқлар билан сиёсий, маънавий, маданий, иқтисодий алоқалари натижасида ҳам бошқасига ўтиб бориши кузатилади. Бу ҳолат манбаларда ўз қатлам ва ўзлашган қатлам гуруҳи сифатида таснифланади.

Ўзбек тили луғат бойлигининг катта қисми умумтуркий лексемалар бўлиб, уларни ўзлашма қатлам лексемаларидан фарқлашнинг ўзига хос белгилари ҳам мавжуд. Ўзбек тилига сўзлар ўзлашишининг ўзига хос тадрижий босқичлари бор. Ўзбек тилидаги мумтоз бадиий манбалар кузатилганда, уларда форс-тожик ва араб тилларидан ўзлашган сўзларнинг ўз даврига қараб ўзлашиш ва қўлланилиш кўлами кенгая боргани кузатилади. Ўзлашма сўзлар ўз тилидан бошқа тилга ўзлашар экан, маълум муддат ўз қатлам сўзларига қараганда барча учун бирдай тушунарли бўлмаган, ишлатилиш доираси ўз қатлам сўзларига қараганда нофаол хусусиятга эга бўлади. Профессор Э.Бегматов ўзлашма сўзлар масаласига ёндашар экан, қуйидагича фикрни билдиради: Ўзбекча сўзлар учун асос бўлувчи арабча, форсча-тожикча каби сўзлар материали ва генетик манбаига кўра чет тил элементи бўлса ҳам, уларни ҳозирги ўзбек адабий тили нуқтаи назаридан, яъни даврий синхроник ҳолатга кўра, ташқи ресурс дейиш бир томондан тўғри, иккинчи томондан эса, шартлидир. Бу сўзлар эндиликда ўзбек тилига ўзлаштирилган, кўп даврдан бери бу тилда истеъмолда бўлган, ўзбек тилининг қонуний бойлигига айланган лексикадир.

Шунинг учун бу сўзларнинг кўпчилиги ўзбек тилида гаплашувчи ҳозирги давр кишилари учун сўзлашма сўз тарзида туюлмайдди. Мана шу

хусусиятига кўра, янги ўзбекча сўзлар учун база бўлувчи арабча, форсча-тожикча сўзлар функциясига кўра, традицион туб туркий сўзларга яқин туради.

Демак, ўзбекча сўзлар ясалишига хизмат қилувчи арабча, форс-тожикча сўзларнинг аксарияти келтирилган маънода ички ресурс характеридадир”.

Ҳозирда ўзбек тилига форс-араб тилларидан ўзлашган сўзларнинг истеъмол кўлами шу қадар кенгайиб кетганки, ўзбек тилининг изоҳли луғатида уларнинг ўз қатлам сўзлари каби маънолари кенгайиб кетганини кузатиш мумкин. Муҳими эса, тил соҳиблари учун форсча-арабча сўзларнинг маънолари ўз қатлам сўзлари каби тушунилиши аниқлашиб кетгани, кўпчилик ҳолларда уларни умумтуркий сўзлардан фарқланмай қолгани ҳам бу сўзларни “бегоналик” ҳолатидан узоқлаштиради.

Профессор Ш.Раҳматуллаев эса “Форс, араб тилларидан лексема ўзлаштириш тарихан кўп бўлган, ҳозир эса сийраклашган. Ҳозирги ўзбек тилида рус тилидан ўзлаштиришлар ўрнини бевосита ғарб тилларининг ўзидан ўзлаштириш олди”, дея таъкидлайди. Ўзлашма сўзлар ҳақида фикр юритилар экан, турли соҳаларда қўлланувчи байналмилал сўзларнинг оммавий равишда кўпгина тилларга ўзлашиб бораётгани турли тил соҳиблари учун қулайлик яратиши жиҳатидан қувонарли ҳолдир.

Тилшунос олим Ш.Раҳматуллаев ҳозирда ўзбек тили учун ички манбага қараганда ташқи манба устунлигини эътироф этади: “Умуман, кейинги вақтларда луғатнинг бойиш жараёнида сўз яшадан кўра ўзлаштириш устун бўлиб бормоқда. Чунки ўзлаштириш сўз яшашга нисбатан енгил йўл. Жамият тараққиётининг ҳозиргидек тез суръатлар билан бориши тил амалиётида ҳам ҳар он ҳозиржавобликни талаб қилмоқда. Тиллар орасида ўзлаштиришнинг фаоллаша боришига асосий сабаб шу”.

Ўзбек тилига рус тили орқали ўзлашган сўзлар миқдори кўпчилик бўлса-да, уларни русча ўзлашмалар ва русча бўлмаган ўзлашмалар сифатида ажратиш мумкин. Истиқлол йилларидан сўнг тилимизга жамиятдаги турли

соҳаларининг ривожланиши ва янгиланиши натижасида ғарб тилларидан сўз ўзлаштиришни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Жумладан, кўпгина соҳаларда қўлланаётган нанатехнология, инноватсион ва замонавий педагогик технологияларни ўзида акс эттирувчи маълум бир тушунчалар борки, улар қўлланаётган маълум бир фан тили номи билан бирга кундан-кунга қулоч ёзиб бормокда. Бизга маълумки, инглиз, франсуз, рус, испан, араб ва хитой тиллари жаҳон тиллари сифатида етакчи мавқега эга бўлиб, БМТнинг иш хужжатлари шу тилларда юритилади. Ҳозирда тилимизга ўзлашган ва айни пайтда ўзлашиш даражаси фаол ҳисобланаётган инглизча сўзларнинг ўзбек тили луғат бойлигидаги ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Айни пайтда бундай сўзлар ўзга тилга ўзлашишидан ташқари қисқа муддат ичида сўз яшаш базаси сифатида ҳам фаол рол ўйнамокда. Инглизча сўзлар сирасидаги провайдер, саммит, имиж, рейтинг, менежмент, менежер каби сўзларнинг ўзбек тилининг изоҳи луғатидаги маънолари кузатилганда, бу каби сўзларнинг ўзлашиши билан боғлиқ маъно ўзгаришлари луғатларимизда қайд этилганини кузатиш мумкин.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, тилимизга инглиз тилидан сўзларнинг ўзлашишида уларнинг семантик тузилишидаги ўзгаришлари ҳам турлича бўлган. Шунга мувофиқ уларни ўз маъносини сақлаб қолган ўзлашмалар, сўз маъноларининг кенгайиши, сўз маъноларининг торайиши, ўзлашмаларнинг янги маъно касб қилиши каби тил ҳодисаларига учраган ўзлашмалар сифатида таснифлаб ўрганиш мумкин. Бу ҳақда кейинги бўлимда сўз юритилади.

Маълумки, дунёда 5000 дан ортиқ тил мавжуд бўлиб, уларнинг сони манбаларда турлича кўрсатилади. Буларнинг аниқ сонини белгилаш жуда мураккаб, чунки тиллар ўртасидаги ва бир тилнинг диалектлари орасидаги фарқлар ниҳоятда шартлидир.

Ҳозирги пайтда ўз устивор сиёсатига эга бўлган ҳар бир давлатнинг глобал масалалари қаторидан тил масаласи ҳам ўрин олган дейиш мумкин. Зероки, жаҳонда айни пайтда 1400 тилнинг йўқолиб кетиш хавфи

мавжудлиги таъкидланмоқда. Мутахассислар томонидан дунё тилларидан фақат 40 тасининггина оғзаки ва ёзма жиҳатдан мукаммал шаклланиб бўлгани қайд этилади.

Ўша 40 тилнинг орасида ўзбек тилининг ҳам муносиб ўрин олгани қувонарли ҳолдир. Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан 1989-йил 21-октябрда Ўзбек тилига “Давлат тили” мақоми берилиши, шунингдек, 1995-йил 21-декабрда “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниши каби тил масалаларига боғлиқ ҳукумат қарорларининг ўз вақтида қабул қилиниши мамлакатимизда узоқни кўзланган давлат сиёсати олиб борилаётганининг далилидир.

Ўзбек тили ривожланган тиллар қаторига кирар экан, унинг лексикаси ички ва ташқи бойиш манбалари ҳисобига кундан-кунга бойиб бормоқда. Хусусан, ҳозирги пайтда тилимизнинг ташқи манба асосида бойиши фаоллашганини таъкидлаш жоиз.

Ўзбек тилига ўзлашган ва ўзлашиш жараёни сезиларли давом этаётган ўзлашмалар хусусида фикр юритганда, улар сирасидан инглизча ўзлашма сўзларнинг ўрни айна пайтда илмий жиҳатдан ўрганиш учун асосли дейиш мумкин. Зероки, ҳозирги пайтда бутун дунё мулоқот тили сифатида тан олинаётган инглиз тилининг бошқа тилларга таъсир даражаси сезиларлидир. “XX аср лотини” номи билан юритилаётган бу тил нафақат ўзбек тили, балки дунёдаги кўплаб тилларга сўз бериб, уларнинг лексикасини бойитаётгани кўпчиликка маълум. Шунга кўра, қуйида тилимиздаги инглизча ўзлашма сўзларнинг семантикасига доир ўзгаришлар хусусида фикр юритамиз.

Тилимиздаги ўзлашма сўзлар семантикаси ўрганилса, лексик маъно тараққиётининг натижаси сифатида икки хил ҳолат лексик маъно ҳажмининг кенгайиши ёки торайиши кузатилади. Маъно кенгайиши маълум бир сўзлар учун тарихий тараққиёт жараёни бўлиб, лексик маънонинг аввалгисига нисбатан кенгроқ воқеликни билдиришига нисбатан ишлатилади. Инглизча ўзлашма ҳисобланган дизайн лексемаси эски нашрдаги “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”дан ўрин олмаган. Тилимизга ўзлашиш тарихи узоқ бўлмаган

бу лексема, аввало, чизмачилик, тасвирий санъат, архитектура соҳа атамаси сифатидагина ишлатила бошлаган эди. Бу лексеманинг қомусдаги мақоласи қуйидагича.

Дизайн инглизча десигн – лойиҳа, чизма, расм – нарсалар муҳитини эстетик ва функционал сифатларини шакллантириш мақсадига қаратилган лойиҳалаш фаолияти турларини ифодаловчи термин.

Дизайн 20-аср бошларида юзага келиб, 30-йилларда махсус фаолият тури сифатида Ғарбий Европа ва АҚШда шаклланди. 80-йиллар 2-ярмидан дизайннинг фаолият доираси кенгайди. Унга берилган изоҳдан маълум бўладики, бу лексеманинг ҳозирда кенг планда ишлатилиши аниқ маънонинг мавҳум маънога ўтиши билан фарқланади. Яъни чизмачилик, тасвирий санъат, архитектура соҳа атамаси тушунчасидан ташқари бадиий фаолият тури – эстетик хусусиятларга эга бўлган нарсалар, саноат буюмларини лойиҳалаш, жойлаштириш, жиҳозлаш; бадиий жиҳатдан лойиҳалаш, ташкил қилиш каби умумий маъноларда ишлатилмоқда. Шунга асосланиб, бу лексемани сўз маъносининг кенгайиши ҳодисасига учраган тил бирлиги сифатида айтиб ўтиш мумкин. Бундан ташқари, бу лексемага бевосита алоқадор ҳисобланган дизайнер лексемаси ҳам ҳозирги кунда кўп маънолилиқ касб этаётган сўзлар сирасига киради.

Рейтинг лексемаси 1981-йил нашр этилган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га киритилмаган. Кейинги йилларда эса рейтинг инглизча раитинг баҳо, даража баҳо беришнинг балл системасига асосланган турини ифодаловчи тушунча сифатида луғатлардан жой олди. Бу лексеманинг тилимиздаги истеъмол доираси фаоллашуви натижасида таълим тизимидаги атамадан спорт, маданият ва бошқа соҳаларда эришилган ютуқлар натижасини белгиловчи меъёр тушунчаси билдирувчи лексема сифатидаги маънолари кенгайди. Буни янги нашрдаги “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” мисолида кўришимиз мумкин. Унда рейтинг лексемаси қуйидагича изоҳланган:

1. Ўқувчилар ва талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш усули ва тизими. Олий таълим тизимида бакалаврлик ва магистрлик босқичларидаги таълим тобора такомиллашмоқда, талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг усули кенг жорий этилмоқда.

2. Спорт. Спортнинг баъзи турларида масалан, шахматда эришилган ютуқларнинг самарадорлиги ва нуфузини баҳолашда рақамлар билан ифодаланадиган шахсий кўрсаткич. Халқаро футбол федератсияси миллий терма жамоалар учун август ойи рейтинг жадвалини эълон қилди.

3. Сиёсат, маданият ва бошқа соҳалардаги таниқли арбобларнинг жамоатчилик фикрини ўрганиш йўли билан аниқланадиган машҳурлик даражаси. Машғулоти олиб борадиган ўқитувчиларнинг илмий даражаси, рейтинги, иш стажига қараб, қўшимча ҳақ тўлаш жорий этилди.

Кўринадикки, маълум йиллар илгари моносемантик хусусиятга эга бўлган рейтинг сўзи тилимизга ўринлашиб, фаол сўз сифатидаги қўлланиши натижасида ҳозирда полисемантик сўз сифатида шаклланган.

Бункер лексемаси 1981-йил нашр этилган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да комбайн, пахта териш машинаси ва шу кабиларнинг йиғилган нарсаларни тўпланадиган қисми маъносида берилган. Пахта териш машинасининг бункерлари. Янги нашрдаги “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”дан эса бу сўзнинг маъно жиҳатдан кенгайганини кузатиш мумкин. Бункер инглизча бункер – кўмир солинадиган кути.

1. Комбайн, пахта териш машинаси ва шу кабиларнинг йиғилган нарсаларни келиб тушадиган, тўпланадиган қисми. Сўриб олинган пахта машинадаги бункерга келиб тушяпти. Бу йил эргашев ўз бункеридан 100 тонна “оқ олтин” териб тўқди.

2. Кўмир, шағал, семент, дон, кўмир ва шу каби нарсаларни қисқа муддат сақлаш ёки ташишга мўлжалланган идиш.

3. Мудифаа учун мўлжалланган ер ости иншооти. Улар бункерни қамал қилиб, тобора яқинлашиб борарди.

Кўринадик, бункер лексемасининг қум, шағал, семент, дон, кўмир ва шу каби нарсаларни қисқа муддат сақлаш ёки ташишга мўлжалланган идиш сифатидаги иккинчи маъноси ва мудофаа учун мўлжалланган ер ости иншооти сифатидаги учунчи маънолари ҳосила маънолар қаторига киради.

Тилнинг лексик таркиби жамиятнинг сиёсий, маданий ва маънавий ҳаёти билан боғлиқ равишда такомиллашиб боради. Жумладан, луғатлар ҳам жамиятдаги сиёсий-маънавий қарашларга мос ҳолда яратилади. Янги нашрдаги “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да бизнес лексемаси инглизча бусиннес иш, машғулоти даромад келтирадиган, фойда олиш мақсадлари кўзланган ва қонунларга ҳилоф бўлмаган ҳар қандай ташкилий, хўжалик фаолияти; тижорат; ишбилармонлик. Бизнес, хўжалик юритиши кўламига қараб, йирик, ўрта ва кичик турларга бўлинади. маъносида берилган бўлса, 1981-йил нашр этилган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да эса капиталистик мамлакатларда: шахсий бойлик, фойда ортиришга қаратилган масалан, чайқовчилик, коммерсия, катта даромад келтирадиган корхона ва шу каби маъносида келтирилган.

Эски нашрдаги “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да фермер лексемасининг капиталистик мамлакатларда: фермани ижарага олувчи киши ёки ферма эгаси кўринишидаги маъноси кўрсатилган. Янги нашрдаги “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да эса фермер лексемаси инглизча фармер – фермер ўзига қарашли ёки ижарага узоқ муддатга олинган ерда зироат, чорва, парранда маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланувчи майда ёки ўртача қишлоқ хўжалик корхонаси эгаси кўринишида изоҳланган. Фермерларга аталган ерларни мерос қилиб қолдириш шарти билан узоқ муддатга ижарага олиш ҳуқуқи мустаҳкамланиб қўйилди. Ўша куни... Аҳмад Қодиров деган фермер укамизни учратиб қолдим. Умуман олганда, бизнес, фермер, савдогар каби лексемаларнинг луғатларда турлича изоҳланиши уларнинг тузумга нисбатан янги ифода олиши билан боғлиқ масаладир.

Луғатларда шу тил вакиллариининг ижтимоий-сиёсий қарашлари акс этиши кўплаб манбаларда қайд этилади. Собик иттифоқ мафкураси билан

боғлиқ пионер лексемаси. Кўнгилли болалар коммунистик ташкилотининг аъзоси. Пионерлар отряди. Бирор ишни, нарсани биринчи бўлиб бошлаган, биринчи текширган, кашф этган, бошлаб берувчи маъносида ишлатилиши қайд этилган.

Айрим сўзларни ўзлаштиришда мутахассислар сўзлар имлосининг дифференциаллаш принципи билан сўз маъносини фарқлашга ҳаракат қилганлар. Эски нашрдаги “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да коллеге инглизча сўз сифатида Англия ва Америкадаги олий ва ўрта ўқув юрти маъносида тавсифланган бўлса, коллеж эса франсузча сўз сифатида Франция, Белгия ва Швейцариядаги ўрта ўқув юрти кўринишида изоҳланган. Полисемантик ҳодиса бу нутқ жараёнининг маҳсули экан, ўзлашма сўзларнинг “мева”си унинг нутқ жараёнидаги турлича ёндош маъно англатилишига боғлиқ бўлади.

Бу каби ўзлашмаларнинг кўп маънолилиқ хусусиятини кўплаб санаб ўтиш мумкин. Кўринадик, инглизча лексемаларнинг ўзлашиш тарихи узок даврга бориб тақалмайди, бироқ ўзбек тили лексикасида аллақачон ўзининг тараққиёт йўлини топиб олган дейиш мумкин.

2.2 Сўзларда лексик-семантик муносабатлар.

Маълумки, жамият ҳаёти билан биргаликда тил ҳам ривожланар экан, бугунги кунда юз бераётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ўзгаришлар лексикамиздаги сўзларнинг маъновий муносабатлари ўрганилишини талаб этапти.

Бугунги кунда тилга тизим сифатида қаралаётган бир пайтда тилшуносликда лисоний бирликларнинг маъновий муносабати, уларнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли хусусияти масаласи кўпгина тилшуносларни ўзига қизиқтириб қўймоқда. Ўтган асримизнинг 40-90-йилларигача сўзлараро маъновий муносабатлар синонимия ва антонимия билан чегараланиб қолди. Систем таҳлил усули асосида олиб борилган кейинги кузатишларда тилимизда маъновий муносабат ранг-баранг эканлиги ойдинлашиб, уларнинг

градуонимия, гипонимия, партонимия, функционимия, иерархионимия каби турлари ҳам фарқланди. Шунга мувофиқ маънодош сўзлар билан даражаланган сўзлар қаторини фарқлаш ҳам ўқувчилар учун бугунги кун талабидир. Луғавий маънодошлик семемаси таркибидаги аташ ва вазифа семалари бир хил, ифода семалари ҳар хил бўлган, бир турдаги нарс-буюм, белги-хусусият, ҳаракат-ҳолатни ифодаловчи лексемалараро муносабатдир. Даражаланиш эса умумий аташ семалари бир хил, лекин маълум бир семанинг турли даражасини ифодаловчи лексемалардир. Бундан ташқари, маънодошлик ва даражаланиш орасидаги иккинчи фарқ шундаки, маънодошлик қаторидаги лексемалар ўзаро ифода семалари билан фарқланса, даражаланиш қаторида бу шарт бўлмайди. Тилшунослигимизда даражаланган сўзларни махсус ўрганган олима Ш.Орифжонова градуонимларда луғавий парадигма бир етакчи доминанта атрофида бирлашишини таъкидлаб, «дарча» ва «дарвоза» сўзларининг маъноси «эшик» етакчи сўзига нисбатан очилишини қайд этади ва уларни даражаланган сўзлар қаторига киритади.

Лексик birlikлар лисонда турли семантик муносабатлар асосида ҳар хил парадигмалар ҳосил қилган ҳолда мавжуд бўлади. Синонимик, антонимик, градуонимик, партонимик, гипонимик муносабатлар ана шундай лисоний муносабатлардир.

Шулардан бири бўлган синонимия тилнинг серқирралигини, бойлигини кўрсатувчи муносабатлардан биридир. Шаклан ҳар хил, аммо бир тушунчани турли бўёқ ва оттенкалар билан ифодаладиган лексемалар синонимлар ҳисобланади. Синоним лексемалар орасидаги муносабат синонимия ёки синонимик муносабат дейилади. Парк ингл. парк лот. паррисус - ихота қилинган, ўраб олинган жой лексемаси рус тили орқали ўзлашган инглизча ўзлашмадир. Унинг Ўзбек тилининг изоҳли луғатида тўрт маъноси келтирилган бўлиб,

1. Гулзор, дарахтзор ва хиёбонлари бўлган, дам олиш, кўнгил очиш учун мослаштирилган катта боғ. Парк оқшомда ясан-тусан одамлар, ранг-

баранг чироқлар, хилма-хил ажойиботлар билан тўлиб, жуда катта кўринар экан.

2. Транспорт воситалари трамвай, автобус, такси кабилар турадиган ва уларга техник хизмат кўрсатиладиган жой. Элмурод Мухаррам билан хайрлашиб, Хадрага келганда, трамвайлар паркка кириб кетмоқда эди.

3. Халқ хўжалиги, саноат тармоғи, корхона ва шу кабиларга қарашли транспорт ёки ишлаб чиқариш воситалари мажмуи. Отаси – трактор парки қоровули.

4. Ҳарбий машиналар ва бошқа техника воситалари сақланадиган, таъмирланадиган ҳудуд, шунингдек, ҳарбий мол-мулк сақланадиган статсионар кўчмас ёки кўчма омбор. Артиллерия парки каби мисоллар асосида изоҳланган.

Зоопарк лексемаси инглизча ўзлашма сифатида этимологик парк шаклида қўшма сўзлик табиатига эга бўлиб, ҳайвонот боғи лексемасига синоним бўлади.

Синоним лексемалар семемаларидаги аташ ва вазифа семалари айнан бир хил бўлиб, ифода семалари фарқланади. Мисол сифатида юз-бет-афт-башара-турк қаторини келтириш мумкин. Маънодошлик қаторидаги мазкур лексемаларнинг барчасида аташ семалари бир хил: «одам боши олд томони», «пешанадан ияккача».

Аммо ифода семалари ҳар бир лексемада ўзига хос. Аниқроғи, «шахсий муносабат» ҳар бир лексемада бошқа-бошқа намоён бўлган. У юз лексемасида «шахсий бетараф муносабат» кўринишда бўлса, турк лексемасида «ўта кучли шахсий салбий муносабат» тарзидадир. Маънодошлик қаторидаги лексемаларнинг ифода семалари турли-тумандир. Улардан айримлари қуйидагилар:

- ижобий ёки салбий баҳо ёхуд муносабат семалари;
- лексеманинг қўлланиш даврини кўрсатувчи семалар: «ескирган», «янги», «ўта янги», «архаик», «тарихий».
- лексеманинг қўлланилиш доирасини кўрсатувчи семалар:

«шевага хос», «сўзлашувга хос», «китобий», «кўтаринкилик» ва бошқалар.

Маънодошлик қаторидаги лексемаларнинг биттаси доминанта бош лексемаси бўлиб, бошқалари шу лексема атрофида бирлашади, маънодошлик қуршови ҳосил қилади. Доминанта лексеманинг юқорида саналган барча ифода семалари нейтрал, бетараф бўлади. Маънодошлик қаторидаги доминанта лексеманинг бир қанча ўзига хос хусусиятлари бор:

1. Доминанта лексеманинг мазмуни бошқа лексемаларникига нисбатан «камбағал»роқ бўлади. Қиёслаймиз: чиройли, гўзал ва сулув. Ушбу қатордаги чиройли лексемасида гўзал ва сулув лексемасидаги кўтаринкилик бўёғи йўқ.

2. Доминанта лексеманинг қўлланиш доираси ва миқдори бошқа маънодошларникига нисбатан кенг ва кўп бўлади.

3. Доминанта лексема белгиланмаган ифода семасига эга бўлганлиги боис исталган вақтда ўз маънодошларини алмаштира олади.

4. Маънодошлик қатори мансуб бўлган катта тизимга фақат доминанта лексема киради. Масалан, «киши танаси аъзолари» луғавий маъновий гуруҳига юз доминанта лексемаси кириб, кулоқ, бурун, лаб, қош, пешона лексемалари билан парадигма ҳосил қилади. Бошқа ифода семаси белгиланган лексемалар «бетараф» бўлолмаганлиги боис юқори парадигмага кира олмайди ва уларнинг бетараф вакили бу ҳуқуққа эга бўла олади, холос.

Инглиз тилидан ўзлашган бизнес лексемаси Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ингл. бусиннес иш, машғулоти даромад келтирадиган, фойда олиш мақсадлари кўзланган ва қонунларга ҳилоф бўлмаган ҳар қандай ташкилий, хўжалик фаолияти маъносида изоҳланган. Бу лексеманинг мустақилликдан сўнг қўлланилиши фаоллашди. Ўз ўрнида бизнес лексемаси тижорат, савдо сўзларига маънодошлик муносабатида бўлса, полисемантик хусусиятига кўра ишбилармонлик лексемаси билан ҳам синонимик муносабатда бўлади.

Шунга мувофиқ инглизча кўшма сўз ҳисобланган бизнесмен ингл. бусиннессман бизнес билан шуғулланувчи шахс, ишбилармон, тадбиркор лексемалари билан кўп ҳолларда эркин алмашилиш хусусиятига эгадир.

Жамият, давр талаби асосида кераксизлари истеъмолдан чиқиб, қатор янгилари билан бойиб бораверади. Нутқда маънодошлик қаторлари нутқнинг аташ birlikлари, иборалар, мустақил лексема семемаларининг турлари, ясама сўзлар, сўз бирикмалари, нутқий кўчма сўзлар билан тўлиб, кенгайиб боради. Булар контекстуал синонимлар сифатида нутқнинг гўзаллиги ва бойлигини таъминловчи бебаҳо восита саналади.

Мустақилликдан сўнг тилимизга, хусусан, инглизча сўзларнинг ўзлашиши кучайди, айримларининг эса ишлатилиш ўрни фаоллашди. Брокер ингл. брокер – ўртада туриб воситачилик қилувчи, даллол, маклер лексемаси луғатимизда товар, валюта, савдо биржаларида олди-сотди битимлари тузишда воситачилик даллоллик қиладиган айрим шахс ёки фирма маъносида ўринлашган. Шунингдек, унинг даллол, воситачи лексемалари билан маънодошлик касб этиши табиий ҳол. Синонимия ва кўп маънолилиқ муносабати ҳам характерлидир.

Кўп маъноли сўз ҳар бир маъноси билан бошқа-бошқа синонимик қаторда бўлиши мумкин. Детектив ингл. детестиве лот. детестио “очиш, фош қилиш; аниқлаш” лексемасининг тилимизга от ва сифат сўз туркумларига хос семалар билан ўзлашганини кузатиш мумкин. От сўз туркуми сифатида жиноий ишларни қидириш, очиш бўйича мутахассис; политсиянинг яширин айғоқчиси: жосус ёки изкувар лексемалари билан алоҳида-алоҳида маънодошлик касб этса, сифатлик хусусиятига кўра жосуслар, яширин айғоқчилар, изкуварлар ҳаёти, саргузаштлари, мураккаб жиноятларнинг очилиши ҳақида ҳикоя қилувчи бадий асар ёки филм маъносида белги ифодалайди. Детектив лексемаси семаларининг икки сўз туркумига мойиллиги сифатида изоҳланиши бу сўзнинг лексикамизда кенг планда ишлатилиши билан белгиланади.

Голкипер ингл. гол-кеепер – сақловчи лексемаси футбол, хоккей каби ўйинлардаги дарвозабон корхонадаги иш жараёнини хабар бериш қурилмалари ва алоқа воситалари: телефон, радиотелефон, сигнализатсия, факс ва телевизион ускуналар, компьютер ва шу кабилар орқали битта марказдан, бир жойдан туриб назорат қилувчи ва бошқариб турувчи ходим маъносида ишлатилса, кўчма маънода эса диспетчер, ташкилотчи синонимик каторини ҳосил қилади.

Ўзбек тилидаги ўз ва ўзлашма қатлам сўзлари материалларига эътибор қилсак, тилда синонимлар қуйидаги йўллар билан пайдо бўлишини кузатамиз:

- бир тилдан иккинчи тилга сўз ўтиши натижасида: манглай, пешона; куч, қувват; жосус, агент;
- маҳаллий шевалардан сўз олиш натижасида: дўппи, калапўш; бузоқ, гўсала;
- сўз ясалиши йўли билан синоним ҳосил қилиш, яъни ясама сўз туб сўз билан: ҳис, сезги; савол, сўроқ; вазифа, топшириқ;
- сўзнинг янги маъно касб этиши билан: ўрин сўзи жой ва лавозим маъносида.

Гангстер ингл. гангстер – бандит лексемасини уюшган жиноятчилар гуруҳининг иштирокчиси маъносида босқинчи, бандит лексемалари билан маънодошлиги кузатилади.

Зомби ингл. зомби африка тилларидан: муқаддас илон, афсун, жодугарлик билан тирилтирилган мурда лексемаси бегона кимсанинг таъсир кўрсатиши кучли уйқу дорилар, наркотиклар, онг-фикрни хиралаштирувчи препаратлар, гипноз ва бошқа руҳий воситалар таъсири ёрдамида бировнинг буйруғига, хоҳиш-иродасига сўзсиз бўйсунадиган, мустақил фикрлай олмайдиган, ўз шахси ва эркига эга бўлмаган киши, аниқроғи, манқурт лексемасига маънодош деб ҳисоблаш мумкин.

Интерфаол лексемаси ҳам калка усулида сўз ўзлаштириш усули бўлиб, тилимизда ўз манбаси бўлган интерактив ингл. интерактиве лексемаси билан

эркин сўз алмашиниш хусусиятига эга. Тилимизда информатсияни, ахборотларни компьютер тармоғи орқали қабул қилиш ёки узатишга асосланганлик аташ маъносини ифодалайди.

Оромгоҳ форсча дахма, макбара; дам, ором олиш хонаси лексемаси кишилар дам оладиган, роҳат қиладиган жой; мактаб ўқувчиларининг ёзги таътилда дам олиши учун қурилган жой каби кўп маънолилик хусусиятига эга. Шунга яқин бўлган кемпинг ингл. сампинг самп – лагер бўлиб жойлашмоқ лексемаси автосаёҳатчилар учун қурилган, чодирлар, кичик уйчалари ҳамда автомобилга техник хизмат кўрсатадиган жойлари бўлган ёзги оромгоҳ маъносини ифодалайди ва айрим ўринларда бу лексема билан синонимик муносабатда бўлиши мумкин.

Лайнер ингл. линер лине – чизик, йўл лексемасининг тилимиздаги биринчи маъноси муайян бир йўлдан қатнаб, юк ёки йўловчи ташийдиган катта тезюрар кема сифатида изоҳланади.

Унинг иккинчи маъноси эса узоқ масофага маълум йўналишда катта тезликда учувчи кўп ўринли йўловчи самолёти тушунчаси тенг келади ва лексема билан синонимик муносабатда бўлади. Одатда бундай ўринларда у ҳаво лайнери мослашув кўринишидаги бирикма сифатида ишлатилади.

Лидер ингл. лидер – етакчи, бошлиқ, раҳбар лексемаси бирор сиёсий партия ёки ташкилотнинг асосий аъзоси маъносида йўлбошчи, раҳбар лексемаларига синоним бўлса, полисемантик хусусиятига кўра бошқа маъноси билан спорт мусобақаларида олдинда боровчи шахс ёки жамоа маъносини ифодалайди. Оккозионал хусусиятга кўра етакчи, пешқадам лексемалари билан ҳам маънодош бўла олади.

Методист ингл. методистс юн. Метҳодос лексемаси рус тили орқали ўзлашган инглизча ўзлашма бўлиб, методика мутахассиси тушунчасини ифодалайди. Матнда услубчи лексемаси билан эркин алмашиниш хусусиятига эга. Отел хотел ҳашаматли уй, бино лексемаси франсузча бўлиб, меҳмонхонанинг халқаро номи сифатида ишлатилади. Бироқ у билан уядош

бўлган эга бўлган меҳмонхона тушунчасини ифодалайди. Кўринадикки, отел, мотел ва меҳмонхона лексемалари нутқий синонимик характерга эга.

Кўриниб турибдики, синонимларнинг материал асослари турлича бўлиб, улар умумий маънолари асосида ўзаро боғланадилар. Ҳар бир синоним сўз маъно оттенкаларига кўра фарқланади. Шунинг учун ҳам уларнинг баъзиларини иккинчисининг ўрнида ишлатиб бўлмайди. Оғзаки ва ёзма нутқда синонимларнинг амалий аҳамияти катта. Синонимлар сўзни ўринсиз такрор ишлатишга йўл қўймайди, услубнинг равлонлигини таъминлайди.

Рейтинг ингл. ратинг баҳо, даража лексемасининг луғатда уч маъноси қайд этилган:

- Ўқувчилар ва талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш усули ва тизими.

- Спорт соҳасида спортнинг баъзи турларида масалан, шахматда эришилган ютуқларнинг самарадорлиги ва нуфузини баҳолашда рақамлар билан ифдаланадиган шахсий кўрсаткич.

- Сиёсат, маданият ва бошқа соҳалардаги таниқли арбобларнинг жамоатчилик фикрини ўрганиш йўли билан аниқланадиган машҳурлик даражаси.

Бу лексема нуфуз, обрў, мақом шунингдек, ўрни билан статус лексемалари билан ҳам маънодошлик муносабатига киришади.

Репортёр ингл. репортер лексемаси тилимизга араб тилидан ўзлашган мухбир лексемаси билан эркин алмашиш хусусиятига эга.

Рефери ингл. реферее лот. рефери хабар қиламан лексемаси спорт мусобақалари масалан, футбол, кураш, бокс, теннис кабиларни ўтказувчи ҳакам, судя лексемалари билан маънодош бўлса ҳам, ҳакамликнинг халқаро номларидан бири ҳисобланади. Сайт ингл. сите – ўрин, жой лексемаси ҳозирда фаол лексемадир. Интернетда муайян мавзу йўналиши бўйича тўпланган ва шакллантирилган, доимо янгиланиб, тўлдириб бориладиган, ўз номи сарлавҳасига эга бўлган маълумотлар йиғиндиси маъносида

ишлатилади, ўрни билан электрон саҳифа лексемаси билан маънодошлик ҳосил қилади. Шаклдошлик лексемалар, морфема қўшимчалар ва фразеологик бирликлар орасида ҳам мавжуд. Кейс ингл. сасе портфел лексемаси дипломатга ўхшаш япаски каттиқ портфел маъносида бўлиб, замонавий педагогик технологияда қўлланаётган кейс кейс-стади лексемасига омоним ҳисобланади. Бу икки лексеманинг ҳам ўзлашиш ва олиниш манбаси бир бўлса-да, ўзлашишига кўра макон ва замон жиҳатидан ўзига хос фарқларга эга. Ўқув вазият тушунчасини ифодаловчи кейс кейс-стади инглизча сасе йиғма, аниқ, амалий ҳолат, стади-ўқув, ўқув услуби бўлиб, у ташкилот, шахслар гуруҳи ёки алоҳида шахслар ҳаётидан олинган реал вазият ёки талабаларни муаммони аниқлаш ва уни мақсадга мувофиқ ечиш вариантларини қидиришга йўналтирувчи, ташкилий ҳаётда вужудга келадиган муаммоларни акс эттирувчи ясама сунъий вазиятга асосланади. Лексик луғавий омонимлар нутқ жараёнида, айниқса, сўз ўйинида сўзловчининг нутқий маҳоратини кўрсатиш учун имконият яратади.

Ўзбек тилига ўзлашган инглизча ўзлашма лексемалар орасида омоним лексемалар ҳам ўзига хос. Улар сирасига бар, бокс, бокс, бокс, жаз, карт, логистика, пас, рейд, пом, стандарт, танкетка, тендер, тик, фен каби лексемаларни киритиш мумкин.

Зид маънолилиқ синонимлар сингари ўзаро сўз ва қўшимчаларга ҳам хос. Лексемалар орасидаги зидлик лексик луғавий антоним, морфемалар орасидаги зидлик эса аффиксал антонимлар ҳисобланади.

Импорт ингл. импорт лот. импортаре киритмоқ, олиб кирмоқ лексемаси иқтисод соҳасида ички бозорда сотиш ёки учинчи бир давлатга транзит қилиш учун мамлакатга чет эллардан товарлар, хизматлар, қимматли қоғозлар ва бошқалар олиб кириш маъносига эга бўлиб, унга тескари маъно ифодаловчи экспорт ингл. Эхпорт лот. Эхпортаре четга ташқи бозорга чиқармоқ лексемаси билан антонимик муносабатга киришади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида келтирилишича, менежерлар ингл. манагер бошқарувчи лексемаси шу кўринишда бўлиб, корхона ва компания

эгалари бўлмаган, махсус тайёргарлик кўрган малакали ёлланма бошқарувчилар маъносини ифодалайди. Матнлар таркибида келган менежер ва иш бошқарувчи лексемалари ўзаро эркин алмашилиш хусусиятига эга ва синоним ҳисобланади.

Синонимия ва антонимия ҳодисаси нутқда фикримизни таъсирли ифодалашда хизмат қилади. Айниқса, бадиий адабиётда ижодкорлар бундан ўринли фойдаланишади. Тилшунос олим Ш.Раҳматуллаевнинг фикрича, лексик архаизм ўз моҳиятига кўра икки гуруҳни ташкил қилади:

а) лексема яхлитлигича архаизм бўлади. Буни архаизм-лексема деб номлаш мумкин.

б) лексема эмас, балки унинг семемаларидан бири архаизм бўлади.

Буни архаизм-семема деб номлаш мумкин. Лексик архаизмнинг ҳар икки тури лексик маънога асосланади. Шунга кўра архаизмнинг бу турларини "лексик архаизм", "семантик архаизм" деб номлаш тўғри бўлмайди.

Архаизм-лексема моносемем лексеманинг эскириши натижасида, архаизм-семема эса полисемем лексемага хос семемалардан бирининг эскириши натижасида юзага келади. Ҳар икки турдаги архаизмнинг воқе бўлиши тилнинг ўз тараққиёт йўли билан боғлиқ. Архаизм-семемага нисбатан архаизм-лексема кўп бўлади.

Айрим лексемаларнинг тилимизга рус тилининг фонетик, лексик, морфологик ёки синтактик ҳодисаларига мослашган ҳолда ўзбек тили лексикасига ўзлашганини кузатиш мумкин. Тренировка лексемаси ҳам шу ҳодиса маҳсули бўлиб, маълум сифат-хусусиятларга эга бўлиш ёки уларни сақлаб қолиш учун мунтазам равишда амалга ошириладиган машқлар, машғулотлар тушунчасини ифодалайди.

Бу лексеманинг асл варианты мустақилликдан сўнг тренинг шаклида ўзлаштирилди. Тренинг лексемасининг фаоллашганини ҳозирги пайтда турли вақтли матбуот саҳифаларида ҳам кузатиш мумкин. Бу лексема семинар-тренинг, ўқув-тренинг лексемалари таркибида ҳам учраб туради.

Ўзлашиш тарихи бўлмаган бу лексема инглиз тилида кенг маънода ишлатилса-да, ҳозирда тилимизда кўпроқ ўқув соҳасига хосланган ҳолда қўлланмоқда. Лексик тез ўзгарувчанлик хусусиятига эга.

Ижтимоий ҳаётимиздаги ўзгаришлар сабаб трест лексемасининг изоҳли луғатда кўрсатилган собиқ иттифоқ мамлакатларида маҳсулотларнинг бир турдалиги ёки хомашёга ишлов бериш босқичлари бўйича ўзаро боғланган корхоналар бирлашмаси тарзидаги иккинчи маъноси эскирган.

Тилнинг лексик таркиби жамиятнинг сиёсий, маданий ва маънавий ҳаёти билан боғлиқ равишда такомиллашиб боради. Луғатлар ҳам жамиятдаги сиёсий-маънавий қарашларга мос ҳолда яратилади.

Учинчи боб.

Қўлланилиши чегараланган ибора ва мақолларнинг услубий лексик хусусиятлари.

3.1 Эмоционал-экспрессив лексиканинг услубий хусусиятлари.

Ибора ва мақолларнинг услублари одатда, сўзларнинг бирикуви туфайли сўз бирикмаси ҳосил бўлади. Бу сўзбирикмаларнинг баъзилари эркин бўлса, баъзилари турғун барқарор бўлади.

Оёқ учиди бирикмаси контекстдан англашилган иш-ҳаракатнинг ими-жимида, яширинча, махфий бажарилганлигини билдиради. Бирикма таркибидаги ҳар бир сўз ўз мустақил маъносини сақламаган, шунга кўра бу таркибдаги сўзлар компонентлар барқарор, бўлинмас бир семантик бирликни ҳосил қилган турғун бирикмадир. Қуйидаги гаплардаги оғзи қўлоғида, қўл келади, нонини туя қилмоқ иборалари ҳам турғун бирикма саналади: Истар-истамас идорага кирган Бўрибой бу эрдан оғзи қўлоғида бўлиб чиқди. Бирваракайига саксон минг дона ғишт пиширадиган бу фирма жамоага жуда қўл келди. Ибора таркибидаги ҳар бир сўзнинг маъноси тушунарли бўлса-да, аммо бу сўзларнинг семантик боғланиши чекланган, уларни бошқа бирор сўз билан алмаштириш асло мумкин эмас.

Кўп маънолилиқ ҳодисаси турғун бирикмаларга, яъни фразеологик ибораларга ҳам хос. Масалан, «Ўзбек тилининг қисқача фразеологик луғати»да бош кўтармоқ иборасининг 6 хил маъно оттенкаси кўрсатилади.

Қуйидаги иборалар бир неча маънога эга; йўлга солмоқ:

- кетиш томонига тўғрилаб жўнатмоқ, юргизмоқ
- тўғри йўлга қайтармоқ
- манфаатдор бўлгани ҳолда рағбатлантирмоқ
- фаолиятини яхшиламоқ; бел боғламоқ:
- а) шайланмоқ, отланмоқ; б) астойдил киришмоқ
- аҳд қилмоқ; тилга кирмоқ:
- а) нутққа эга бўлмоқ
- маълум фурсат ўтгандан сўнг гапира бошламоқ.

Фразеологик ибораларнинг кўп маънолилиги уларнинг синонимик ҳолати билан боғлиқ. Чунки у ёки бу иборанинг янги маъноси турғун иборалар доирасидаянгидан-янги семантик боғланишларни аниқлашга, фразеологик маънолар миқдорини кенгайтиришга олиб келади. Фразеологик ибораларнинг синонимия ҳодисасига бойлиги улардан фойдаланишда катта услубий имкониятлар яратади. Бу имкониятларни, қисқача, қуйидагича изоҳлаш мумкин: Фразеологик ибора алоҳида сўз билан синонимик муносабат ҳосил этади. Масалан: тепа сочи тикка бўлди ибораси аччиқланмоқ, ғазабланмоқ сўзлари билан, кўзи тор ибораси қизғанчиқ сўзи билан, нонини туя қилмоқ ибораси алданмоқ сўзи билан синонимик ҳолатда бўлади.

Бир синонимик уяни ташкил қилувчи иборалар ўзаро образлилик даражаси жиҳатидан фарқланади. Масалан, бошига этмоқ бошини эмоқ фразеологизмлари айни бир маънони англатса-да, аммо образлилик даражасига кўра фарқ қилади. Иккинчи иборада «йўқ қилмоқ», «ҳалок қилмоқ» маъноси кучли ва қатъийроқ. Боши қотди, боши шишди, мияси ғовлаб кетди ибораларининг сўнггиси маъно даражасининг кучлилиги, образлилиги ва ифодалилиги жиҳатидан ажралиб туради.

Худди шунингдек, мум тишламоқ, оғзига талқон солмоқ, оғзига қатиқ ивитмоқ синонимик уяда иккинчи ва учинчи иборалар биринчисига нисбатан образлироқдир. Олиб борилган махсус «кузатишлар фразеологик синонимларнинг кўпинча образлилик даражаси фарқ қилишини кўрсатади». Фразеологик синонимлар ҳам нутқ кўринишларига хосланган бўлади. Бир синонимик уядаги ибораларнинг баъзиси умумнутққа хос бўлса, баъзиси бошқа бирон нутқ кўринишига хосланган бўлади. Масалан: эрга тегмоқ, турмушга чиқмоқ, эрга чиқмоқ иборасининг биринчиси расмий нутққа, учинчиси эса сўзлашув нутқиға хослангандир. Худди шунингдек, оила қурмоқ, турмуш қурмоқ, бир ёстикқа бош қўймоқ ибораларининг биринчиси ва иккинчиси расмий нутққа, учинчиси сўзлашув нутқиға мансуб.

Қуйидаги ибораларнинг биринчиси бадиий нутққа, иккинчиси умумнутққа оиддир:

бир ёқадан бош чиқармоқ, бир жон бир тан бўлмоқ. Фразеологик иборалар нутқ кўринишларига қараб турли хил вазифада қўлланилади. Илмий ва расмий нутқда, кўпинча, номинатив функцияни бажаради. Бунга қўл қўймоқ, қўл кўтармоқ, ўртага ташламоқ, овоз бермоқ, овозга қўймоқ, хаддан ошмоқ, фикри бир эрдан чиқмоқ иборалари мисол бўлади.

Бадиий адабиёт ва публицистик асарларда даставвал турли кўринишларга мансуб фразеологизмларнинг экспрессив-стилистик жиҳати ва унинг образлилиги, таъсирчанлиги назарда тутилади. Бадиий адабиёт ва публицистикада ибораларни ишлатиш, қўллаш йўллари жуда хилма-хил.

Бунда улар умумтил ибораси замиридаги маънонинг янгича талқинини очиш, иборанинг лексик таркибини ўзгартиш, унинг семантик-стилистик функцияларини кенгайтириш, иборага янгича мажозий ва образли маънолар киритиш каби усуллардан фойдаланадилар.

Умумтил фразеологик иборалардан Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Қодирий, Ғафур Гулом ва бошқа кўпгина истеъдодли ёзувчилар ўз асарларида моҳирлик ва ижодкорлик билан фойдаланганлар. Масалан, А.Қаҳҳор «Ўтмишдан эртақлар» қиссасида Тўракул вофурушнинг жуда айёрлигини, муғомбир ва қувлигини кўрсатиш учун илонни ёғини ялаган халқ иборасига муқобил тарзда янги ибора ижод қилган:

-Пулни олдингиз, уста панд. Бу одам соф аждаҳо.

Қуйидаги мисолда суви қочган нон ибораси янги маъно касб этган салбий баҳо оттенкасига эга бўлган. Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари орасида нутқ маданиятини пухта егаллашга, тилнинг кадр-қимматини чуқур англашга даъват этувчи мақол ва маталлар кенг ўрин олган. Бу турдаги мақолларда сўзнинг сермаъно ва ўткир, фикрнинг қисқа ва ихчам бўлиши каби муҳим фазилатлари талқин қилинади. Қуйидагилардан намуналар келтирамиз: Тилга эътибор – элга эътибор. Тилга ҳурмат – элга ҳурмат. Халқ сўзи - денгиз тўлкини.

Тил қиличдан ўткир. Олдин ўйла – кейин сўйла. Яхши нақл – томири ақл. Яхши сўз – жон озиғи, ёмон сўз – бош қозиғи. Кўпгина мақолларда ортиқча сафсатавозлик, тилёғламалик қаттиқ қораланади, ихчам, қисқа ва маъноли гапириш, ростгўй ва ширин сўз бўлиш улуғланади. Гапнинг қисқаси яхши, қисқасидан ҳиссаси яхши. Кўп билган оз сўзлар, оз сўзласа ҳам соз сўзлар. Бадиий адабиётда мақол ва маталлар ёзувчи англатмоқчи бўлган маънони образли қилиб ифодалаш учун хизмат қилади. Ёзувчилар персонажнинг ички дунёсини очиш ва унинг нутқий характеристикасини беришда бадиий восита сифатида мақол, матал, ҳикматли сўзлардан ўринли ва ижодий фойдаланадилар. Бунинг учун Ойбекнинг «Қутлуғ қон», «Олтин водийдан шабадалар» романлари, Абдулла Қаҳҳорнинг насрий ва сахна асарларида ишлатилган мақолларни кузатинг. Улар сўз кўрки, мақол, маталлардан баракали фойдаланибгина қолмай, ўзлари ҳам янгидан-янги ҳикматли сўзлар ижод этганлар. Масалан, Ўқсиз солдат, қиличсиз қин.

Қуйидаги матнларда эса Абдулла Қаҳҳор ижод этган ҳикматли ибораларни ўқиймиз: Дадам дам-бадам ичидан ҳуруж қилиб келаётган йиғини ютиб, аямга тасалли берди, тақдири азал, одамнинг умри бир томчи кабобнинг сели (Ўтмишдан эртақлар).

Эмотсионал-экспрессив лексикасининг услубий хусусиётларидан фойдаланиш матннинг умумий услубий мақсад ва йўналиши билан боғлиқ. Маълум тушунчагина ифодалаб, қўшимча эмотсионал-экспрессив бўёққа эга бўлмаган сўзлар интеллектуал лексика дейилади. Масалан: эр, сув, нон, қалам, дафтар, йил, ҳамма, тарбия, масала, юз, қора, қизил, кўрмоқ, бормоқ, исботламоқ ва бошқалар.

Илмий-техник терминлар, касб-ҳунарга оид махсус сўзлар, ижтимоий-сиёсий ва умумадабий лексикага оид баъзи сўзлар ҳам эмотсионал бўёққа эга бўлмаганлиги учун интеллестуал лексикага киради. Интеллектуал сўзлар умумистеъмолдаги лексикага хос бўлганлиги сабабли ҳар қандай жанрда ишлатилаверади ва услубий жиҳатдан чегараланмаган бўлади. Шунга кўра улар услубий нейтрал лексика деб ҳам юритилади.

Сўз туркумларидан сон, олмош, кўмакчилар бир, икки,ўн, юз, минг, мен, сен, шу, бу, ҳамма, билан, учун, каби, сингари, сўнг, кейин боғловчилари, ва, ҳам, аммо, агар, чунки, ёки, токи, деярли интеллектуал лексикага киради. Эмоционал-экспрессив лексика ва уларнинг турлари. Ўзбек тили лексикасида экспрессив ва эмотсионал рангдорлик билан боғлиқ бўлган сўзлар кўп. Масалан,қуйидаги сўзлар таъсирли ва ифодали бўёғига кўра нутққа кўтаринки, тантанали ва улуғвор рух киритади: навқирон ёшлик, мукаддас бурч.

Тилда ўз лексик маъноси билан ҳис-туйғу, кечинма ва ҳаяжон ифодаловчи сўзлар ҳам бор: севинч, қувонч, табассум, даҳшат, ҳийлагар каби. Баъзи кўп маъноли сўзлар тўғри маъносида эмотсионал-экспрессив бўёққа эга бўлмайди, лекин кўчган маъноларида эмотсионал-экспрессивлик яққол сезилади. Масалан, гумбаз сўзининг кубба, равоқ маъноларида эмотсионал бўёқ йўқ, лекин кўчган маънода кўпол, бесўнақай, семиз одамни ифодалайди.

Худди шунингдек, мағзава сўзи ҳам кўчган маъносида мағзава маҳсум мужмал, ланж, сусткаш одамни англатади. Баъзи ҳолатларда синоним сўзлар бир-биридан эмотсионал-экспрессив бўёғининг камроқ ёки яққол сезилиб туриши билан фарқланади: юз, чехра,жамол, ораз, бет, афт, башара, турк каби синоним сўзларнинг кейинги учтаси ўзининг эмотсионал-экспрессив рангига кўра олдингиларидан ажралиб туради.

Афт, башара, турк сўзларида салбий оттенка яққол сезилади. Худди шунингдек,бўшанг, лапашанг, ношуд, ландовур, сўтак синоним сўзлари чаққон,епчилнинг акси маъноси билан бирлашса-да, булардан ландовур, сўтак сўзларида салбий оттенка кучлидир.

Сўзларнинг эмоционал-экспрессив маъно хусусияти эмотсионал хусусиятга эга бўлган сўзлар бадий-публицистик асарларда ҳамда сўзлашув нутқида қўлланади. Бироқ дағал сўзлар вулгаризмлар ва ҳақорат сўзлардан фойдаланишда маълум одоб чегарасида туриш зарур. Кўпол, вулгар, арго сўзларни ҳатто асарда иштирок этувчи шахсларнинг нутқий

характеристикасини бериш мақсадида ишлатиш ҳам натурализмга олиб келади.

Эфемизмлар ва уларнинг услубий роли. Эфемизм тилнинг ифода ва услубий воситаларидан бири саналади. Айтиш ноқулай ёки ноўрин бўлган сўз ёки ибора ўрнига ишлатиладиган «пардали» сўз ёки ибора эфемизм дейилади. Масалан, бўғоз хотин, деб айтиш жонли тилда ҳам, адабий тилда ҳам ноқулай бўлганлиги учун унинг ўрнида иккиқат, оғироёкли, ҳомиладор, юкли каби эфемистик сўзлар ишлатилади. Худди шунингдек, нутқ вазиятига қараб туғди ўрнида кўзи ёриди, ахмоқ ўрнида ақли қисқа, қар ўрнида қулоғи оғир, ўғри ўрнида қўли эгри каби иборалар қўлланади. Тилда эфемизмларнинг яратилиши этнографик тушунча – табу ҳодисаси билан ҳам алоқадордир. Кишилиқ жамияти тараққиётнинг ибтидоий даврида табиат ҳодисаларининг сирини билишга ожиз бўлган.

Инсон қўрқув уйғотадиган сеҳрли ва зарарли, ёвуз кучлардан, жин, арвоҳ, «ёмон руҳлар»дан, офатли касаллик ва йиртқич ҳайвонлардан сақланишнинг бирдан-бир чораси уларнинг номини айтишни ман этиш, атамаслик деб тушунган. Алоқа-аралашув муомаласида сўзларни айтишни бундай ман қилиш, таъқиқлаш ҳодисаси табу деб аталади.

Номини айтиш ман этилган қўрқинчли нарса ва ҳодисаларни, ёвуз кучларни чиқариш хавфини туғдирмай гапириш зарурати туғилганда, улар бошқа сўзлар, яъни эфемизмлар билан алмаштирилади. Табу ҳодисаси изларини тилда ҳозир ҳам учратиш мумкин. Ўзбек тили хилма-хил эфемистик ибораларга бой бўлиб, муомалада уларнинг турли типлари кенг миқёсда ишлатилади. Баъзи эфемизмлар бир асосий тушунчани ифодаласада, лекин улар ўзларига хос оттенкалари ва кишиларнинг бир хил тушунчага турлича муносабатда бўлишларини кўрсатиш жиҳатидан фарқланиб туради.

Эфемизмларнинг бундай фарқланувчи белгилари сифатида турли эмотсионал-экспрессив бўёққа эгалиги, бирон нутқ кўринишига мансублиги, адабий тил ёки диалектга хослиги каби ҳолатларни кўрсатиш мумкин. Масалан, ўзбек тилида ўлим тушунчасини ифодалаш учун ишлатиладиган

вафот қилмоқ, жони узилмоқ, жон бермоқ, қазо қилмоқ, оламдан ўтмоқ, кўз юммоқ, мангулик уйқусига кетмоқ, бандаликни бажо келтирмоқ, омонатини топширмоқ каби эфемизмлар эмотсионал-экспрессив ва услубий бўёғи билан бир-биридан фарқланади. Булардан ташқари, китобий нутққа хос бўлиб, ҳозирги архаиклашган қуйидаги иборалар ҳам ўлим тушунчасини билдирувчи эфемизмлар ҳисобланади. Сафар ихтиёр қилди ва ул сафардан охират сафари олдиға тушди. Пирим шу эрда манзили муродларини топиб, илоҳимнинг даргоҳига маткул этилдилар. Ниҳоят шеваларда ҳам шу тушунчани ифодаловчи яна бирмунча эфемизмлар учрайди. Масалан, бола ўлса бола учди, гўдаги учди Наманган ва Фарғона шевасида нобуд бўлди, Тошкент бола ченнади, Самарқанднинг айрим туманларида бола четнади.

Лекин тилда айтиш ноқулай ва ноўрин бўлган тушунчани эфемистлик усули билан юмшоқ, силлиқроқ шаклда ифода этишдан ташқари, қўпол ва дағал шаклда ифодалаш усули ҳам мавжуд. Бундай сўз ва иборалар какофемизм ёки дисфемизм деб юритилади. Масалан: ўлим тушунчасини ифодалаш учун қуйидаги каби какофемизмлар ишлатилади: кўзга тупроқ тўлмоқ, асфалософилинга жўнатмоқ эрнинг қаърига кетмоқ, қулоғи таги остида қолмоқ, ёстиғини қуритмоқ, нариги дунёга жўнамоқ ва бошқалар.

Тилда азалдан ўрнашиб қолган эфемизмлардан ташқари, муайян нутқ вазияти талаби билан яратилган эфемизмлар ҳам мавжуд. Бу хил эфемизмлар тилдаги мавжуд сўзларга нисбатан контекстуал синоним бўлади. Кўпгина ҳолларда эфемистик перифразаларнинг маъноси контекстда очилади ва улар услубий функцияси жиҳатидан муаллиф ёки асар қаҳрамони назарида қўпол туюлган сўз, иборани юмшоқ, силлиқроқ шаклда ифода қилиш вазифасини бажаради. Масалан: -Аввал эсономон қутулиб олинг, ўртоқжон.

Бу мисолларда нутқий одоб нуқтаи назаридан қўлланилиб, туғмоқ сўзи ўрнида қутулиб олмоқ, эрга бермоқ ўрнида эгасига топширмоқ каби эфемистик маъно касб этган бу иборалар контекстдан ташқарида бутунлай бошқа маъно англатиши мумкин. Худди шунингдек, бадиий эфемизмларнинг

хам маъноси, одатда, контекстда рўёбга чиқади. Контекстдан ташқарида ўзининг эфемистик маъно хусусиятини йўқотади.

3.2 Эмоционал-бўёқдор сўзларнинг услубий қўлланилиши

Сўзловчининг ҳис-туйғуларини ифодалаш хусусиятига эга бўлган сўзлар, эмоционал бўёқдор сўзлар эмоционал лексикани ташкил этиб, уларсиз бадиий асарни тасаввур этиб бўлмайди. Ўзбек тилининг эмотсионал лексикаси маълум даражада тадқиқ этилган.

Бўёқдор лексик қатламга доир сўзлар воқеликка сўзловчининг икки хил субъектив эмоционал муносабатини ифодалайди:

- ижобий эмоционал муносабат
- салбий эмоционал муносабат.

Ижобий эмоционал-экспрессив бўёқдор сўзлар сўзловчининг нарсаси, белгиси ёки ҳаракатга бўлган турлича ижобий муносабатини ифодалайди.

Масалан: Унинг овози чертилган жонон қосадай жаранглар эди.

Ёшлик китобининг зарҳал саҳифаларида юрак тепишлари қайд қилинган бу сатрларни умрдай майда тўлқинлар билан оқиб бораётган ариқчага термулиб тингладим. Ғафур Ғулом асарлари тилида ижобий муносабатни англатувчи қуйидаги сўзлар: жоним, мулла ака, тақсир сўзлари ҳурмат маъносини ифодаласа, дўндикқинам, оппоқ ўғлим, болагинам, онанг ўргилсин, ҳолагинанг ўргилсин, ҳоланг айлансин, барака топгур, бўйингга қоқиндиқ, айланай, тентакқинам, болагинам, ўргилай, худо урган қўли очик, бўйингдан гиргиттон бўлиб кетай, балли азамат, қўзичоқларим, тойлоғим, чироғим, қўлинг ўргилсин, опагинанг ўргилсин, отанг айлансин, ойимчахон, ойимпошша, оппоққинам, барака топгурлар, бўтам каби луғавий бирликларда эркалаш маъноси мавжуддир.

Салбий муносабатни ифодаловчи луғавий бирликларда сўкиш, ҳақорат қилиш, менсимаслик, киноя, пичинг, кесатиқ маънолари англашилади:

Бу молларни ёйиб ўтирган чайқовчиларнинг афти башарасини айтмайсизми! Бетларига бу ҳафта ичи сув тегмаган, соқоллари устарадан озод, башараларидан «нур» ёғилиб туради.

Маълумки, ўзбек халқида қариндош бўлмаган шахсларга нисбатан ҳам қариндошликни ифодаловчи сўзлар билан мурожаат этилади. Шоир асарлари тилида кампир, ука сўзларининг бир қанча маъноларда қўлланганлигини кузатамиз.

Масалан: ука сўзи ўзбек тилида бир ота-она ўғилларидан кичиги катта ёшдаги фарзандларга нисбатан ҳамда ўзидан ёш эр кишига мурожаат маъносини англатади:

Эркаловчи-эмоционал лексика уч гуруҳга ажратилади:

Қариндошлик муносабатини ифодалаган сўзларнинг эркалаш, кичрайтириш ҳамда эгалик аффикслари билан қўлланиши кенг кузатилади.

Масалан: Нинни, ниннигина, неврагинамдан ўргилай, йиғламасин, йиғламасин. Мана ҳозир бувингиз қўлини артади, дўндикқинам, ўзим бағригинамга босаман! Ғафур Ғулом асарлари тилида эмоционал-бўёқдор сўз ва сўзбирикмаларининг асосий қисмини эркалаш лексикаси ташкил этади.

Айниқса, Ғафур Ғулом «Шум бола» қиссасида бундай лексикадан моҳирона фойдаланган». Булар қуйидагилар: жоним, бўтам, айланай, тойлоғим, қўзичоқларим, чирғим, оппоққинам, ўргулай, бўйингдан гиргаттон, гиргиттон бўлай, ойимчахон, ойимпошша, отанг айлансин ва бундай эркалаш сўзларидан ҳам ёзувчилар турли услубий мақсадларда фойдаланадилар. Масалан: қўзичоқ сўзи кўчма маънода 3-шахс шаклида болаларга нисбатан қўлланади: Сен ҳафа бўлсанг, мен ҳафа бўламан-да. Умумий хулоса қилиб айтиш мумкинки ҳозирги илмий тадқиқотларда адабий тилнинг луғат таркиби, хусусан, ибора ва мақолларнинг бир қанча нуқтаи назардан таҳлил қилиниши масалаларига дахлдор кузатишлар эътиборга тушади. Шу нуқтаи назарга мувофиқ, ўзбек тилида фаол ва нофаол сўзларнинг услубий хусусиятларини тадқиқ қилиш ҳозирги ўзбек тилшунослигининг долзарб масалаларидандир.

Тилнинг луғат сатҳи ўз луғат birlikлари ва ўзлаштирма луғат birlikлари каби қатламларга бўлинади. Адабий тил лексикасидаги луғат birlikлари фаол ва нофаол қатламларга ажралади. Фаол қатламга тил

жамоаси аъзолари ёки уларнинг бир гуруҳи нутқида ишлатилавериб, одат тусига кириб қолган birlikлар киради. Нофаол қатламга мазкур тил жамоаси луғат таркибидан чиқиб кетган эскирган сўзлар ва тилга яқинда кириб, ҳали кўп қўлланувчи birlikларга айланиб улгурмаган birlikлар неологизмлар киради. Бу асосан тарихий мавзуларда ёзилган асарлар тилини ўрганишда қўлланилади.

Луғат birlikлари ижтимоий-диалектал томондан ҳам бир-биридан фарқланади. Бу нуқтаи назардан луғат birlikлари умумхалқ birlikлари ва профессионал ҳамда диалектал birlikларга гуруҳланади. Бу тамойил ёзувчининг персонажлар нутқини индивидуаллаштириш маҳорати, адабий тилни бойитишга қўшган ҳиссаси каби масалаларни ўрганишда қўлланади. Ибора ва мақолларнинг бадиий асарларда ишлатилиши ва уларнинг услубий хусусиятларини таҳлил қилишда семантик-услубий тамойилдан кенг фойдаланилади. Бу тамойилга кўра сўзлар дастлаб икки қатламга гуруҳланади:

- қўлланиши услубий томондан чегараланмаган сўзлар
- қўлланиши услубий томондан чегараланган сўзлар.

Биринчи қатламга барча услубларда, оғзаки ва ёзма нутқда бирдай қўлланаверадиган сўзлар киради. Бу сўзларнинг муҳим хусусияти уларнинг услубий бетарафлигидир. Иккинчи қатламга кирувчи сўзлар мана шу услубий бетараф сўзлар фонид аниқланади. Қўлланиши услубий томондан чегараланган сўзлар адабий-китобий сўзлар ва сўзлашув-маиший сўзлар каби гуруҳларга бўлинади. Бу гуруҳлар, ўз навбатида, яна кичикроқ гуруҳларга бўлинади. Кўринадики, семантик-услубий тамойил, акад. Л.В.Шчерба таъбири билан айтганда, адабий тил луғат таркибини концентриқ доиралар: асосий доира услубий бетараф лексика ва унга туташ қўшимча доиралар услубий релевант қатламлар тарзида кўрсатиш имконини беради. Эфемизм тилнинг ифода ва услубий воситаларидан бири саналади.

Айтиш ноқулай ёки ноўрин бўлган сўз ёки ибора ўрнига ишлатиладиган «пардали» сўз ёки ибора эфемизм дейилади. Масалан, бўғоз

хотин, деб айтиш жонли тилда ҳам, адабий тилда ҳам ноқулай бўлганлиги учун унинг ўрнида иккиқат, оғироёқли, ҳомиладор, юкли каби эвфемистик сўзлар ишлатилади. Худди шунингдек, нутқ вазиятига қараб туғди ўрнида кўзи ёриди, аҳмоқ ўрнида ақли қисқа, қар ўрнида қулоғи оғир, ўғри ўрнида қўли эгри каби иборалар қўлланади. Баъзи эфемизмлар бир асосий тушунчани ифодаласа-да, лекин улар ўзларига хос оттенкалари ва кишиларнинг бир хил тушунчага турлича муносабатда бўлишларини кўрсатиш жиҳатидан фарқланиб туради.

Эфемизмларнинг бундай фарқланувчи белгилари сифатида турли эмоционал экспрессив бўёққа эгаллиги, бирон нутқ кўринишига мансублиги, адабий тил ёки диалектга хослиги каби ҳолатларни кўрсатиш мумкин. Масалан, ўзбек тилида ўлим тушунчасини ифодалаш учун ишлатиладиган вафот қилмоқ, жони узилмоқ, жон бермоқ, қазо қилмоқ, оламдан ўтмоқ, кўз юммоқ, мангулик уйқусига кетмоқ, бандаликни бажо келтирмоқ, омонатини топширмоқ каби эвфемизмлар эмотсионал экспрессив ва услубий бўёғи билан бир-биридан фарқланади. Ғоявий мазмуни, маънавий-ахлоқий ҳулосасига кўра хилма-хил, рангбаранг бўлган мақоллар услубий вазифаси жиҳатидан ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Мақоллардан кенг ва теран ғояни қисқа, ихчам шаклда ифодалаш кишиларни нутққа эътибор бериш ва талабчан бўлишга ўргатади, тўғри ва мантиқий фикрлашга ёрдам беради.

Мақоллардан фойдаланишда уларнинг тушунарли бўлиши, ўз ўрнида тўғри ишлатилишига, нутқни аниқ ва таъсирчан қилишига алоҳида эътибор бериш керак. Қуйидаги мисолларни кузатинг: Бу таклифнинг яхши эканлигига шубҳа йўқ, лекин бу таклиф ой эшикка, арва туйнукка келганда киритилади.

Бунда халқ тилидаги ой туйнукка, арава эшикка келганда мақолининг лексик тартибланиши бузиб берилган. Қуйидаги матнда эса халқ тилидаги эчкига жон қайғу, қассобга ёғ қайғу мақолининг бутунлай бузиб ишлатилиши мақолдан англашиладиган мажозий маънони ҳам, мантиқий ҳулосани ҳам йўққа чиқарган: Сичқонга дон қайғу, қассобга жон деганларидек, ҳамма ўз

билгани билан овора. Шу нарсa маълум бўладики, ибора ва мақолларнинг лингвистик табиати, уларнинг лексик, морфологик ёки синтактик хусусиятлари таҳлил қилинмайди. Бу масалалар тилшунослик предмети.

Шунинг учун бунда, асосан, ибора ва мақолларнинг услубий вазифаси, бадиестетик вазифаси таҳлил қилинади. Шундай қилиб, ибора ва мақоллар бадиий асарда ва бадиий нутқда, биринчидан, услубий вазифа бажариб келса, иккинчидан эстетик вазифа ҳам бажариши билан ажралиб туради.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки умум истеъмол доираси чегараланган лексика. Бу қатламга оид лексик қўлланиш доирасининг чегараланиш характерига кўра уч турга бўлинишини мисол қилиб курсатишимиз мумкин.

- диалектал лексика;
- терминологик лексика;
- жаргон ва арголар.

Диалектал лексика. Маълум ҳудудда яшовчи кишилар нутқига хос бўлган, адабий тил лексикасига кирмайдиган сўзлар диалектал лексикани ташкил этади. Маълум диалект ва шева вакилларигина қўллайдиган бундай сўзлар диалектизмлар деб юритилади. Италияда диалектизмлар кенг тарқалган.

Бу давлатда ҳар бир ҳудуд ўз шевасида гаплашади. Бадиий адабиётда маҳаллий нутқни индивидуаллаштириш учун диалектикалардан фойдаланилади. Лекин бундай қўллаш билан диалектал сўз адабий тилга оид бўлиб қолмайди. Баъзи сўзлар адабий тил ва диалектда қўлланган ҳолда, адабий тилда бошқа, шевада бошқа маъноли бўлади. Терминологик лексика профессионал ва илмий терминлар атамалар терминологик лексикани ташкил этади. Илм-фан, техника, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларга оид тушунчаларнинг аниқ атамаси бўлган сўз ёки сўз бирикмаси термин атама дейилади. Ҳар бир фан, касб-хунар ўз терминларига, шу терминлар жамидан иборат лексикасига эга. Бундай махсус лексика терминология деб ҳам аталади: Физик терминология, лингвистик терминология каби. Терминлар ёки атамалар муайян бир соҳага оид тушунчаларни аниқ ифода этувчи сўзлар бўлсада, лекин бу сўзларнинг қўлланиши шу соҳа кишилари доираси билан чегараланган бўлиши шарт эмас. Бунда икки ҳолатни кўриш мумкин:

1. Терминларнинг маъноси соҳага алоқаси бўлмаган кишилар учун ҳам тушунарли бўлади ва улар томонидан ҳам қўлланаверади.

2. Масалан: ботаникага оид: соттоне, вите, пера, албисосса, grano; санъатшуносликка оид: арена, манифесто, атторе; медесинага оид: инфлуенза, нарсоси, иниезионе кабилар.

3. Терминларнинг маълум қисми шу терминга оид бўлган соҳа кишилари учун тушунарли бўлади ва шулар нутқида қўлланилади. Тилшуносликка оид: фонема, морфема. Шуни айтиш керакки, умумистеъмолдаги сўзлар маълум бир соҳага оид тушунчани ифодаловчи сўз сифатида қўлланиши, терминга айланиши мумкин. Бундай ҳолларда у сўз дастлабки маъноси билан умум истеъмолдаги лексикага, махсус терминологик маъноси билан эса терминологик чегараланган лексикага оид бўлади. Бундан кўриниб турибдики луғат таркибидаги маълум бир сўз умумистеъмолдаги сўз ҳам, термин ҳам бўлиши мумкин. Жаргон ва арголар. Маҳаллий ҳудудга тегишли бўлган диалектларнинг сўзлари шева сўзлари диалектизмлар саналса, “синфий диалектнинг сўзлари” жаргонлар дейилади. Жаргонлар синфий айирмаликни кўрсатиб берадиган, юқори табақа вакиллари учун тушунарли бўлган сўз ва иборалардир. Жаргонлар италиян тилининг ўз сўзларидан, баъзан бошқа тиллардан инглиз, лотин олиниб қўлланган сўзлардир. Аргонлар эса аксинча, қизиқишлари, машғулотлари, ёшлари бир хил бўлган жуда тор доира гуруҳга мансуб кишилар қўллайдиган, маъноси шундай кишиларга тушунарли бўлган сўзлардир. Улар умумхалқ тилига оид сўзлардан бўлса-да, аммо бундай сўзлар ҳам кенг халқ оммасига тушунарли бўлмайди. Шу жиҳатдан арголар жаргонларга ўхшайди. Бу синфлар, гуруҳлар ёқолиши билан уларга оид жаргон ва арголар ҳам ёқ бўлиб кетади. Тилнинг ижтимоий-диалектал қатламига мансуб сўзлар бадий адабиётда воқеликни ишонарли чиқиши учун персонажлар нутқини индивидуаллаштириш воситаси сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Шу ўринда оғзаки нутқ ҳақида ҳам гапирмай иложи ёқ. Чунки айнан оғзаки нутқ адабий нутқда юзага келадиган ўзгаришларга асос бўлади.

Тилнинг луғат таркибидаги сўзлар нутқнинг бирор услубига хос бўлиши ёки нутқ услубларига бетараф бўлиши мумкин. Шунга кўра луғавий

бирликлар икки гуруҳга бўлинади: услубий бетараф сўзлар ва услубий хосланган сўзлар. Оғзаки нутқнинг услубий чегараланган лексикаси. Оғзаки нутқ учун характерли бўлган оддий муомаладаги сўзлар ўзининг соддалиги, ҳаммага тушунарли бўлиши билан ёзма нутқдаги сўзлардан ажралиб туради. Оғзаки нутқда услубий бўёқдор сўзлар кўп ишлатилади, уларда соддалик, таъсирчанлик, баъзан эса эркинлик сезилиб туради. Оғзаки нутқ лексикасига:

Диалектал сўзлар, оддий муомалага оид сўзлар, дағал сўзлар варваризмлар,

хакорат сўзлар вулгаризмлар, жаргонлар киради.

Оғзаки нутққа оид лексика бадиий асарларда персонажларнинг нутқида берилади. Ёзма нутқнинг услубий чегарланган лексикаси китоб, журнал, газета ва шу кабиларда қўлланадиган, умуман, ёзма асарлар учун характерли бўлган сўзларнинг нисбатан турғун, барқарор, услубий бўёғи бўлган ёки бўлмаган сўзларни тақозо этади. Жумладан, расмий услубга, поетик лексикага, халқ дostonларига, оммабоп услубга оид сўзлар маълум даражада қўшимча бўёққа эга бўлади. Шу боис мазкур услубларга хос сўзлар оғзаки нутққа оид сўзлардан ажралиб туради.

Аммо илмий-техник терминлар, тарихий сўзлар, касб-хунарга оид сўзлар, асосан, ҳис-ҳаяжонсиз бўлади. Ҳатто аввал ҳис-ҳаяжонли бўлган сўз ҳам термин тусига кириши билан ҳис-ҳаяжон бўёғини ёқотади. Бунинг ўрнига китобийлик бўёғи пайдо бўлади. Ана шу илмийлик, китобийлик, махсуслик хусусияти илмий-техник терминларни ва касб-хунар сўзларини услубий жиҳатдан умумистеъмолдаги бошқа сўзлардан фарқланишига ва қўлланилиш доирасининг чекланишига олиб келади.

Ўзбек ва инглиз тили лексикасига ўзлашиши сезиларли даражада таъсир қилган 20 дан ортиқ тил ўзлашмалари мавжуд.

Шунингдек, тилимизда фаол бўлмаса-да, яна бир қатор тилларнинг ўзлашмалари ҳам учраб туради. Мустақилликдан сўнг ўзлашма сўзлар орасида инглизча ўзлашмаларнинг миқдори ва маъно тараққитоти ўзига хос.

“Инглизча-ўзбекча ахборот технологиялари ва интернетга оид қисқача атамалар луғати” каби инглизча ўзлашмалар ҳисобига мингдан ортиқ лексик сўзлар тилимизга ўзлашганини аниқ айтиш мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки ўзбек ва инглиз тилларида лексик катлам кундалик сўзлашувда ишлатилаётган ва қўлланилиши фаол бўлган айрим лексемаларнинг “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” дан жой олмаганини кузатиш мумкин.

Инглизча сўзларни лексикамизга ўзлашишини мустақилликкача ва мустақилликдан кейинги даврларга бўлиб ўрганиш мумкин. Тилнинг лексик таркиби жамиятнинг сиёсий, маданий ва маънавий ҳаёти билан боғлиқ равишда такомиллашиб боради. Луғатлар ҳам жамиятдаги сиёсий-маънавий қарашларга мос ҳолда яратилади. Эски ва янги нашрдаги “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” даги лексемаларига берилган изоҳлар қиёсланганда янги нашрдаги “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да бу бирликларнинг тузумга нисбатан ҳолисона ва янгича ифода олгани маълум бўлади.

Тилимизга ўзлашган инглизча сўзларни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий ва спорт соҳаси мавзувий гуруҳларига ажратиб ўрганиш мумкин. Спорт соҳаси мавзувий гуруҳига оид инглизча ўзлашмалар мустақилликдан сўнг шу қадар кўп ўзлашдики, уларни маданий-маърифий соҳа сўзларидан ажратиб, системали тарзда ўрганиш қулай ва ўринлидир. Инглизча ўзлашма лексемалар ўз қуршовидаги сўзлар билан синонимик, антонимик, омонимик ва гипонимик муносабатларга киришади.

Савдо масканлари номи остида бирлашувчи лексемалари лексик-семантик хусусиятига кўра ўзаро градуонимик даражаланиш муносабатни ташкил этади. Ўзбек тили лексикасидан ўрин олган инглизча сўзлар семантикасидаги ўзгаришлар сезиларли даражада бўлиб, улар полисемантик хусусиятга эга бўлишдан ташқари, сўз маъносининг кенгайиши, ўзбекча сўз ясалишида фаол қатнашиши каби тил ҳодисалари жараёнида етакчи мавқе эгаллайди.

Ҳатто ўзбек тилининг изохли луғатида ҳам лексемалар имлоси икки хил шаклга эга бўлиб қолган. Бу каби сўзлар ўз қатлам лексикасида ҳам кўплаб топиладики, уларнинг имлосини имкон қадар икки хил бўлишига йўл қўймаслик лозим деб ўйлаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида «Ўзбекистон», 2011.- 275 б.
2. Каримов И.А. Юксак маъnavият – енгилмас куч – Тошкент.: 2008. 150 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХИ - асрга интилмоқда - Тошкент.: 1999. 105 б.
4. Абдурахмонов Ғ. А. Ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент, 1996. -246 б.
5. Ғулом Ғ. Менинг ўғригина болам. // Ўзбек ҳикоялари антологияси. – Тошкент.: «Шарқ», 1997.- 4 б.
6. Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент.: Ўқитувчи, 1987.-103 б.
7. Жамолхонов Н. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т. Ўқитувчи 2005. 196-бет.
8. Ирtoжиев М.М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-жилд. ЎзМУ. Т.2004. -285б.
9. Қахҳор А. Адабиёт муаллими. // Ўзбек ҳикоялари антологияси. – Тошкент: «Шарқ», 1997. 54 б.
10. Қодирий А. Ўткан кунлар. - Тошкент, 2003.-222 б.
11. Қодиров П. Юлдузли тунлар. – Тошкент, 1981.-78 б.
12. Қурбонова М. Сайфуллаева Р. Боқиева Н.Менглиев Б. Ўзбек тилининг структурал синтаксиси. ЎзМУ, Т. 2004.- 183 б.
13. Қурбонова М.М. Ҳозирги замон ўзбек тили содда гап синтаксиси учун материаллар. ЎзМУ, -Т. 2002.-298 б.
14. Маҳмудов Н. Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент, 1995.- 246 б.
15. Неъматов Ҳ. Расулов Р. Ўзбек тили лексикологияси асослари. “Ўқитувчи”, -Т. 1995.- 264 б.
16. Неъматов Ҳ. Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. Тошкент : Ўқитувчи 1995.
17. Неъматов Ҳ. Сайфуллаева Р. Қурбонова М. Ўзбек тили структурал синтаксиси асослари. “Ўқитувчи”, -Т.1999.-296б.

18. Нурмонов А. Лингвистик таълимотнинг янги босқичи // Ўзбек тили ва адабиёти, 2008, № 6. 50-54 б.
19. Нурмонов А., Махмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент: Фан, 1992.- 292 б.
20. Расулов Р. Ўзбек тили сестим лексикологияи аослари. Тошкент 1987. - 298 б.
21. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. Тошкент.: 1987. 220 б.
22. Сайфуллаева Р. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 2009.-67 б.
23. Тожиев Ё. Ўзбек тилида гап ва гап бўлакларининг мақоми масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 2005, № 4. 49-54б.
24. Турниёзов Н. Гап бўлаклари ҳақида баъзи мулоҳазалар // Хорижий филология, 2004, № 4. 17-19 б.
25. Турсунов У. Мухторов Ж. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 3-нашри, “Ўзбекистон”, -Т. 1992.- 346 б.
26. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. М. Русский язык 1981. 1-том 632 бет.
27. Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2001, 172 б.
28. Хайруллаев Х. Нутқ бирликларининг поғонали муносабати. – Самарқанд, 2008, 78 б.
29. Хайруллаев Х. Тил бирликларининг поғонали муносабати. – Тошкент : Фан, 2008, 98 б.
30. Шоабдурахмонов Ш. Асқаров М. Хожиев А. Расулов И. Дониёров Х. «Ҳозирги ўзбек адабий тили» -Тошкент, «Ўқитувчи» 1980.-478 б.
31. Яхшибоев Ғ.Х. Ҳозирги ўзбек тилида содда гап синтактик деривацияси // Номзодлик дис. автореферати. – Самарқанд, 2004.-45 б

Интернет сайтлари:

1. <http://eldum.phil.muni.cz/course/view>
2. <http://www.dictionary.com/browse/etymology>
3. <http://dictionary.cambridge.org>
4. <http://www.menglish.org.uk>
5. <http://www.everythinginenglish.org.uk>
6. <http://www.teachingenglish.org.uk>
7. <http://www.etymonline.com/>